БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 233 (17.515). ● 10 октябрь 1979 йил, чоршанба ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК!

МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ГДР 30 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛАРИДА СЎЗЛАГАН ЕРКИН ВА СЕРМАЗМУН НУТҚИНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЗЎР МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚУТИБ ОЛДИЛАР. УЛАР УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРМОҚДАЛАР.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ГДР ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Берлинда бўлиб ўтган тантаналарда сўзлаган нутқи бизнинг кучимизга-куч қўшди, порлоқ истиқболимизга ишончни янада кучайтирди.

Барча совет кишилари сингари биз дала меҳнаткашлари ҳам ўз меҳнатимиз билан жонажон партиямиз ва Совет ҳукуматининг тинчликсевар сиёсатини мустаҳкамлаймиз. Партиянинг чақириғига янги меҳнат зафарлари билан жавоб бериш яхши анъана бўлиб қолган. Шу кунларда бизда йиғимтерим ишлари қизғин давом этмоқда. Бригадамиз Ўзбекистон деҳқонларининг бешйиллик тўртинчи йилида 5 миллион 700 минг тонна пахта етказиб бериш тўғрисидаги юксак мажбуриятини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

Биз, ваъда берганимиздек, бутун ҳосилни охирги граммларигача териб оламиз ва гектаридан 50 центнердан ҳосил топширамиз.

А. ЖЎРАЕВ,
Наманган областидаги партия XXII съезди номли колхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

* * *

Корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Берлинда сўзлаган ёрқин нутқини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Нутқдаги: «Совет Иттифоқига келганда, шуни такрор ва такрор айтаманки, биз ҳарбий устунликка интилмаймиз, биз ҳеч қачон бирон бир давлатга ва давлатлар группасига хавф солиш ниятини кўзлаган эмасмиз ва кўзламаймиз»,— деган жўшқин сўзлар барча совет кишиларининг ҳоҳиш-иродасини шундоққина ифодалаб турибди.

Бу ёрқин, тарихий нутқ Совет мамлакатининг тинчликка бўлган интилишини дунёда барқарор тинчлик ўрнатиш учун барча чораларни кўраётганлигини, тинчтотув яшаш учун, қуролланишни қисқартириш, Европада давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни янада чуқурлаштириш учун изчиллик билан кураш олиб бораётганини яна бир бор намойиш қилди. Биз, ишчилар бутун қалбимиз билан жонажон партия ва ҳукуматимизнинг бундай сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз.

З. ПОБЕДИНСКАЯ,
Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ишчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ПЛАН—ҚОНУН

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини шунчаки бир хўжалик юритиш режаси деб эмас, балки унинг обрўэътиборини кучайтириш пойдевори, совет кишилари моддий фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш учун курашнинг комплекс программаси деб ҳисоблаган ҳолда, уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бизда план кенг меҳнаткашлар оммасининг бевосита иштирокида, унинг ижодий ташаббускорлиги маҳсули сифатида яратилиши важидан ҳам халқимиз уни бажариш ҳамма учун мажбурий деб билади ва белгиланаётган улкан марраларни эгаллаш йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

Миллионлаб кишиларнинг план ва мажбуриятларни бажариш юзасидан ана шундай ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаётганликларининг шиновард самараси ўлароқ, мамлакатимиз ва шу жумладан республикамизда экономика ва маданият жадал суръатлар билан юксалмоқда. Хўжалик йили охирлаган сари редакциямизга ўнинчи беш йиллик ва 1979 йил топшириқларининг муддатидан олдин адо этилгани ҳақида область ва районлардан, илғор меҳнат коллективларидан, ишлаб чиқариш новаторларидан келаётган хушхабарлар сонининг тобора кўпаяётгани фикримизнинг яққол далилидир.

План топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш ва ошириб бажариш учун умумхалқ курашида республикамиз саноатчилари алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг даъватига мувофиқ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, маҳсулотни реализация қилиш бўйича 1979 йил январь—сентябрь ойлари планини муддатидан анча илгари—26 сентябрдаёқ бажаришга муваффақ бўлдилар.

Иқтисодий ва социал-маданий ривожланиш планларини бажариш юзасидан Тошкент шаҳри ва области саноат корхоналарининг коллективлари амалга ошираётган ишлар, айниқса, диққатга сазовордир. Партия ташкилотлари ва хўжалик органлари олиб бораётган ташкилий-сиёсий ва хўжалик тадбирлари меҳнат аҳлининг куч-ғайратини жўш урдириб, ишлаб чиқариш коллективларида ижодий ташаббускорлик вазиятини вужудга келтирмоқда. Кейинги йилларда шаҳар ва область саноат корхоналарида майдонга чиққан кўплаб ватанпарварлик ташаббуслари ана шу тадбирларнинг натижасидир.

Республикамиз халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, хусусан, қурилишда ва транспортда ҳам, деҳқончилик ва чорвачиликда ҳам белгиланган план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун астойдил курашаётган ва бу борада жиддий ютуқларга эришаётган коллективлар кўплаб топилади. Бироқ айни пайтда баъзи министрликлар ва идоралларга қарашли айрим корхоналарда план ва мажбуриятларнинг сурункасига барбод бериладиганидан ҳам асло кўз юмиб бўлмайди. Биргина мисол: республика тўқимачилик саноати ходимлари йил бошидан буён савдо тармоқларидан бир неча миллион квадрат метр газлама қарздор бўлиб қолдилар. Бунинг сабаби нима? Асосий сабаб шуки, баъзи тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлиги учун қатъиятлик билан курашилмаяпти, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқларининг бажарилиши кўнгилдагидек эмас. Ачинарлиси шундаки, тармоқ корхоналарининг ҳаммасида ҳам шиновард натижа учун мусобақа яхши уюштирилган, унинг якунларидан меҳнат коллективларидаги қолоқлар сонини камайтириш ва умуман бўлмаслигига эришиш йўлида самарали фойдаланиляпти, деб айтиш қийин.

Бундай аҳволни Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати, Енгил, Озиқ-овқат, Пахта тозалаш, Маҳаллий, Гўшт ва сут саноати министрликлари, СССР Химия саноати, Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги министрликлари системаларидаги корхоналарда ҳам учратиш мумкин. Баъзи энг муҳим турдаги буюмларни ишлаб чиқариш топшириғи бажарилмай келаётир. Асосий фондларни ишга тушириш юзасидан белгиланган план ҳам тўла адо этилаётгани йўқ. Ўлда-жўлда бўлиб қолаётган қурилишлар сони камаймаётир.

Баъзи министрликлар ва идоралар қарамоғидаги корхона ва ташкилотлар планларни уларда белгиланган иш ҳажмини камайтирган ҳолда «қайта кўриб чиқиш» ҳисобига «бажармоқда»лар. Йил бошидан буён юзга яқин корхонанинг квартал плани ва 60 дан ортиқ корхонанинг йиллик плани ана шундай «қайта кўриб» чиқилган. План интизомининг бундай тарзда бузилиш ҳоллари, айниқса, республика Қурилиш министрлиги системасида кўп учрайди. Афтидан, бу министрлик ва унинг қарамоғидаги қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг V пленуми қарорларидан ҳалигача тегишли хулоса чиқариб олмаганлар ва уларни амалда бажариш учун зарур чора-тадбирлар кўрмаяптилар.

План интизомининг бузилишига олиб келаётган сабаблардан яна бири шуки, айрим корхоналар ҳом ашё, комплектловчи узеллар ва деталларни ўзаро шартномаларда белгиланган муддатларда тўла ололмаётган ҳоллар ҳам рўй бериб туради. «Чирчиксельмаш», «Таштекстильмаш» каби заводлардан Тошкент трактор заводига комплектловчи узел ва деталлар вақтида етказиб берилмаётганлиги оқибатида бу ерда иш маромги бузилиб, тракторсозларнинг иш сифатига ва самарадорлигини оширишга қаратилган кўпгина яхши ниятларини амалга ошириш йўлида тўсиқлар бермоқда.

Ҳар бир меҳнат коллективининг фаолиятига унинг «ялпи маҳсулоти»га қараб эмас, балки соф маҳсулотни кўпайтириш, истеъмолчиларнинг конкрет топшириқларини бажаришда коллективнинг қўшаётган конкрет ҳиссасига қараб баҳо бериладиган ҳозирги шароитда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини ошириш таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида алоҳида таъкидланганидек, план интизомини мустаҳкамлаш, белгиланган планларнинг ва шартномаларда олинган мажбуриятларнинг тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш барча бўғиндаги кадрларимизнинг энг муҳим вазифасидир. Бунинг учун ҳамма жойда — министрликлар аппарати ва бошқарув органлари фаолиятида ҳам, бевосита меҳнат коллективларида ҳам зўр ишчанлик бўлишига, қарорларнинг оператив равишда қабул қилиниши ва ижро этилишига эришиш лозим.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишнинг юксак маромда олиб борилишини ва белгиланганига нисбатан кўпроқ ҳажмда сифатли маҳсулот олишишга эришиш учун меҳнат коллективларида социалистик мусобақани авж олдиришлари, илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини, янги техника ва технологияни кенг жорий этишлари, қолоқларни илғорлар даражасига олиб чиқиш чораларини кўришлари керак. Давлат, меҳнат ва план интизомини бузаётганларга, планларни сурункасига бажармай ёки уларни «енгиллатиш» пайида бўлиб келаётганларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилиши шарт. Модомки, биз план қонун кучига эга деб айтаётган эканмиз, демак, у ҳамма учун мажбурий бўлиши лозим, бу планни ўзгартириш ҳам, бажармаслик ҳам мумкин эмас.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида пахта хирмони тобора юксаляпти. Бунга дала гвардиячилари — механизаторлар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Механизаторлар мусобақасида А. Нишонов ва К. Аҳмедов ғолиблик қилишяпти. Улар кунига ўз агрегатлари бункеридан 7—8 тонна пахта теришга муваффақ бўлмоқдалар. Суратларда: илғор механизатор А. Нишонов ва машина терими пайти. А. Абалян фотолари.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 9 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун —мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Қашқадарё	2,13	50,46	1,56	24,18
Бухоро	2,19	47,86	2,15	13,94
Сурхондарё	2,20	47,75	1,85	27,17
ҚҚАССР	4,01	41,00	3,96	22,96
Фарғона	1,56	34,31	0,84	5,69
Тошкент	4,14	30,66	3,76	19,77
Сирдарё	3,79	30,04	3,84	24,11
Наманган	2,21	27,89	2,54	18,11
Андижон	1,92	26,73	1,49	8,23
Хоразм	2,52	26,25	1,89	10,35
Жиззах	2,94	18,20	3,11	16,60
Самарқанд	1,30	10,05	0,58	1,78
Республика бўйича	2,42	32,60	2,24	15,65
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	2,29	40,62	2,20	21,65
Бухоро	1,19	24,64	—	—
Қашқадарё	1,22	19,17	1,01	9,08
Наманган	2,30	18,08	2,13	2,13
Республика бўйича	1,89	32,56	1,67	15,82

Ҳамкорлик программаси асосида

9 октябрь куни Тошкентда қўшма илмий ҳамкорлик программасини амалга оширишда қатнашаётган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамда Югославия Социалистик Федератив Республикаси экспертларининг амалий кенгаши очилди. Кенгаш шу программанинг фундаментал фан ва халқ хўжалик практикаси манфаатлари йўлидаги биохимик ва биофизик тадқиқотлар ривожлантирилишини мўлжалловчи йўналишларидан бири — «Молекуляр тузилиш ва мембраналарнинг ишлаш механизмлари» мавзуида ўтказилмоқда.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов очди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. Ғ. ҒАНИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва совет органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллиқ йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Салом Ғуломович **Ганиев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.

1979 йил 9 октябрь.
Тошкент шаҳри.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

ҲАР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

ОЛТИН ҚЎЛЛАР ЖАСОРАТИ

КЎНДАЛИК СУРЪАТ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Саккизинчи октябрь куни она-Ватан хирмонига 136 минг 921 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу аввалги кунга нисбатан 10768 тонна кўпдир.

Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари кунлик ўсишда карвонбошилик қилишмоқда. Улар 9 октябрда аввалги кунга нисбатан 4 минг тонна кўп пахта топшириб, кунлик суръатни 4 процентдан оширдилар. Тошкент области меҳнаткашлари эса кунлик пахта тайёрлашда 2,5 минг тоннага яқин ўсишга эришдилар. Тошкентликлар бир кунда давлат хирмонига 17,5 минг тоннага яқин ёки планнинг 4,14 проценти миқдорида пахта тайёрлаб, республика областлари ўртасида юқори кўрсаткичга эришишди.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Вақт кутиб турмайди. Қатор областларда ёғмғир ёғиб ўтди. Эндиги вазифа: кунлик суръатни бўшаштирмай, ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишдан иборатдир.

МАШИНА ТЕРИМИ — СУРЪАТ ҚАНОТИ

82971 тонна — республикамиз «пўлат от» чавандозларининг ўтган куни эгаллаган марраси ана шундай. Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё, Тошкент области механизаторлари кунлик суръатда юқори натижаларга эришмоқдалар. Тошкент областида ҳар бир машинада 4,8 тонна, Сирдарё областида эса 3,7 тонна пахта терилмоқда. Қашқадарё области хўжаликларида машиналардан яхши фойдаланилмаяпти. Бу ерда ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда икки тоннага яқин пахта терилмоқда. Умуман республикадаги 33,8 минг пахта териш машиналаридан 20,8 мингтаси ишлатиляпти.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланайлик! Ҳар бир агрегат ёрдамида кўп ҳосил териб олиш — кунлик ўсишни жадаллаштиришга имкон беради. Бутун техникани далаларга олиб чиқайлик!

ПЕШҚАДАМ МЕХАНИЗАТОРЛАР

Боёвут районидаги Ленин номли колхозининг механизатори Толиб Иброҳимов шарафига меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди. У ўз агрегати бункеридан бир кунда 19 тонна пахта тўкди. Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг механизаторлари Мадамин Маҳмудов, шу райондаги «Октябрь» колхозининг механизаторлари Жамисар Расулов ва Башорат Тўраҳўжаева, Ильич районидаги Гагарин номли совхоз механизатори Саттор Мирзаев бир кунда «эзангори кема» билан 12—14 тоннадан пахта теришмоқда.

* * *

Қорақалпоғистон АССР нинг қўриқ Элликқалъа районн механизаторлари машина терими суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар. «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхози механик-ҳайдовчилари Султон Абдуллаев бир кунда 25 тонна, Дилором Ҳусанова ва Камол Ёдгиев 15—16 тонна пахта терди.

Октябрь 60 йиллиги номли совхозда ака-ука механизатор Ўғилбек ва Рустам Отажоновлар ҳурмат қозонишяпти. Врач ва ўқитувчи Отажоновлар пахта йиғим-теримида қатнашиб, ўз нормаларини икки баравар қилиб бажармоқдалар.

ҒАЛАБА РАЙОНИ: БИР КУНДА 8,12 ПРОЦЕНТ

Ташаббускор Ғалаба районн пахтакорлари белгиланган тадбирларни тезроқ амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Утган куни район хўжаликларида йиллик планга нисбатан 8,12 процент миқдорида пахта тайёрланди. Районда пахта йиғим-терими механизация зиммасига юклатилмоқда. 434 пахта териш машинаси далаларда ишлатилмоқда. Ҳар бир машина бункеридан ўрта ҳисобда бир кунда 8,2 тонна пахта тўкилмоқда. Машина терининг ўсиши бир кунда 8,59 процентни ташкил этди. «Коммунизм» совхози коллективи бир кунда 8,82 процент миқдорида пахта тайёрлаб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилди.

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

Республикамизнинг 36 районн 9 октябрда 3 процент ва ундан ошириб пахта тайёрлашга эришдн. Ғалаба районн пахтакорлари бир кунда 8,12, Ильич районн 5,23, Қораўзак районн 5,01 процент миқдорида «оқ олтин» териб олишди. 4 процентдан ошириб пахта тайёрлаган илғор районлар орасида Эллиққалъа, Комсомол, Оқолтин, Бўка, Оққўрғон, Хўжайли, Тўрткўл, Нукус, Чимбой, Ленинобод, Шуманай, Тахтакўпир, Пешку ва Кегайли районлари бор. Тошкент, Жиззах, Сирдарё областининг бир қатор районларида 3 процентдан ошириб пахта тайёрлашга эришилди.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ЖАСОРАТИ

Бухоро областида 80 бригада маррага етди. Улардан 60 таси қўриқ ерларда «оқ олтин» ундиряпти. Улар ҳозир социалистик мажбурият ҳисобига пахта топиришмоқда. Қизилтепа районидаги «Москва» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худоёр Сулаймонов, «Ўзбекистон» колхозидан Ҳайри Шукуров, «Октябрь» колхозидан Вафо Ҳайдаров ва Ҳайдар Қудратов (Пешку райони) етакчилигидаги чўлқуварлар бригадалари айниқса, қувонарли натижаларни қўлга киритдилар. Бу бригадалар икки йиллик план миқдорида пахта тайёрлаб, ҳар гектар ердан 36—38 центнердан ҳосил олишди.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Гагарин районидаги «Пограничник» совхози коллективи Сурхондарё областида биринчи бўлиб машина терими йиллик планини бажарди. Агрегатлар билан пландаги 4300 тонна ўрнига 4400 тонна пахта териб олинди. Улар яна минг тонна пахтани машиналарда териш мажбуриятини олишди.

П. Шукуров ва Э. Бўриевдан сўнг яна 3 механизатор — Ленин йўли районидаги Ленин номли совхозининг Хурсанд Бинаев ва Арабали Дўстмуродов (бу механизаторлар 500 тоннадан зиёд пахта теришди), Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг механизатори Норой Ҳайдарова (300 тонна) маррага етди.

САМАРҚАНДДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Самарқанд ўзининг тарихий-маданий ёдгорликлари, архитектура ансамбллари билангина эмас, балки бугунги замонавий гигант қўрқам бинолари, илм-маърифат, адабиёт ва санъат кишилари билан ҳам машҳурдир. Ўзбек совет адабиётининг Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шароф Рашидов, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Ойдин ва бошқа кўпгина атоқли намояндалари ижодларини ҳудди шу ерда бошлаганлар, шу ерда таълим олганлар. Адабиётимизнинг кейинги йиллардаги вакиллари, айниқса, 60-йилларда ижод қила бошлаган шоир ва адиблар орасида ҳам Самарқанддан етишиб чиққан қалам аҳллари кўпчиликни ташкил этади.

Самарқандда адабиётни ниҳоятда яхши кўришади. Бу ерда тез-тез мушоиралар, таниқли ёзувчилар билан учрашувлар, адабий кечалар бўлиб туради. Айни кунларда Самарқандда ижод қилаётган шоир ва адибларнинг ўзаро фикр алмашувлари, янги асарлар юзасидан бўлиб турадиган муҳокамалар ҳам аллақачон анъанага айланиб қолган. Куни кеча бу ерда бошланган адабиёт кунларининг қатнашчилари тантаналар арафасида ана шулар ҳақида фахрланиб гапиришди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Самарқанд область партия комитетининг санъат муассасаларига раҳбарлиги ва уларнинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ролини кўчайтириш тўғрисидаги қарори муносабати билан ўтказилаётган бу адабиёт байрамини республика Ёзувчилар союзи уюштирди. Бу ерга Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, СССР Давлат мукофоти лауреати шоир Рамз Бобожон бошчилигида бир гуруҳ ижодкорлар ташриф буюришди. Улар орасида таниқли ёзувчилар, шоирлар ва адабиётшунослар бор.

Байрам иштирокчилари доҳий В. И. Ленин ҳайкали, шунингдек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Садриддин Айний ҳайкалларн пойига гулчамбарлар қўйдилар. С. Айний яшаган, ижод қилган, бугунги кунда уй-музейга айлантирилган хонадонга борилди. Улуғ ёзувчининг болалик йиллари, талабалик даврини акс эттирувчи турли суратлар, шунингдек, ёдгорликлар меҳмонларда қизиқиш уйғотди.

Адабиёт байрами Регистон майдонида «Самарқанд юраги» деб номланган адабий композиция билан бошланди. Кечқурун Самарқанд опера ва балет театрида катта шеърият кечаси бўлиб ўтди. «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» журналларининг, «Ўзбекистон маданияти» газетасининг ходимлари эса, Алишер Навоий номидаги давлат университети талабалари билан учрашдилар. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг навбатдаги секретариати бу ерда ўтказилиб, самарқандлик бир қатор ёш ёзувчилар СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинди. Секретариат мажлисида самарқандлик ижодкорларнинг сўнгги уч йил ичидаги фаолияти муҳокама қилинди. Бир неча ижодкорнинг қўлёзмалари кўриб чиқилиб, уларнинг энг яхшилари китоб қилиб чиқаришга тавсия этилди.

Шуниндек, Самарқандда таниқли ёзувчи Саид Назарнинг 70 йиллиги муносабати билан ижодкор хотирасига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Тошкентдан ташриф буюрган ёзувчилар Самарқанд областининг Нарпай, Каттақўрғон, Ургут, Пастдарғом, Булунғур, Пайариқ районларида ҳам бўлишиб, китобхонлар билан учрашадилар, пахтазорларда жавлон урааётган меҳнаткашлар ҳузурида бўладилар, ижодий режалари билан ўртоқлашадилар.

Э. ОХУНОВА,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ПАХТАКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Ингим-терим мавсуми бошланиши олдидан Самарқанд область партия комитети Жомбой районидаги «Октябрь» колхози правлениеси ва партия комитети ҳамда Қорамўйнн қишлоқ Советининг дала шийпонларида қишлоқ меҳнаткашлари учун намунали шароит яратиб бериш тўғрисидаги тадбирларини кўриб чиқиб, уни маъқуллаган эди.

Ҳақиқатан ҳам «Октябрь» колхози правлениеси ва партия ташкилоти ҳамда Қорамўйнн қишлоқ Совети КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини изчил бажара бориб, дала шийпонларида қишлоқ меҳнаткашлари учун намунали меҳнат шароити яратиш йўлида катта активлик кўрсатмоқда.

Улар область партия комитети эълон қилган дала шийпонлари кўрик-конкурсида қатнашиш учун актив курашмоқдалар. Оммавий агитация ишларида 23 агитатор, 16 сиёсий ахборотчи, 24 пропагандист ва «Билим» жамиятининг 20 лектори фаол иштирок этмоқда.

Партия комитети колхоз правлениеси билан ҳамкорликда ҳар бир дала шийпонини намунали жиҳозлаш ва безаш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқди.

Колхознинг 18 пахтачилик бригадасининг ҳозир 16 тасида типовой дала шийпонлари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси электрлаштирилган ва радиолаштирилган. Телевизорлар, холодильниклар пахтакорлар хизматида. 13 дала шийпонига телефонлар қўйилган.

Кўпгина шийпонлар газлаштирилди, замонавий мебеллар, спорт жиҳозлари билан таъминланди, кўчма магазинлар кундалик эҳтиёждаги товарларни ҳар кунн етказиб турибди. Ҳар бир дала шийпони ичимлик сув билан таъминланган. Улар олдида мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирувчи участка ва гулзорлар мавжуд.

Колхоз активларининг кучи билан 12 дала шийпонида жиҳозланган спорт майдонларида турли хил мусобақалар ўтказилмоқда. Ҳамма шийпонларда колхозчиларнинг, айниқса, ёш болали оналарнинг нонуштага чиқиши ва ишдан кетиши олдидан ювиниб олишлари учун душлар ишлаб турибди.

Дала шийпоналрини жиҳозлашда қишлоқ маданият уйи ходимлари актив иштирок этдилар. Бу ерда планларнинг бажарилиши, социалистик мусобақанинг борниш ва илгор тажрибаларнинг оммалашуви ҳақида ҳикоя қилувчи рангбаранг стендларни, терим пешқадамлари ва мусобақа байроқдорларнинг суратларини кўриш мумкин.

Область партия комитетининг қарорида таъкидланадики, дала меҳнаткашлари учун яратилган зарур маданий-маиший шароитлар хўжалик ишлаб чиқариши кўрсаткичлари ва колхозчилар меҳнат активлигининг ўсишида ижобий самаралар беряпти.

Район партия комитетлари ва район Совети ижроия комитетлари ва областдаги бошқа жамоат ташкилотлари, бригадалар ва участкалардаги дала шийпонларини меҳнаткашларнинг иккинчи уйига айлантириш, учун, айниқса, пахта йиғим-терими даврида область колхозлари ва совхозларига зарур ёрдам беришлари зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

СИНОВ МУДДАТИ МОҲИЯТИГА ЭЪТИБОР

Қорақалпоғистон область партия комитети партия сафига қабулга тайёрлаш ва уларни тарбиялаш ишларида кандидатлик стажи моҳиятини ошириш бўйича бошланғич партия ташкилотлари партия сафларининг ўсиши ва унинг сифат составининг яхшиланишига катта эътибор бермоқдалар. Ёш коммунистларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишда турли хил форма ва методлардан фойдаланилляпти.

КПСС аъзолигига кандидатлар очиқ партия йиғилишларида партияга қабул қилинмоқда. Уларнинг кўпчилиги социалистик мусобақа байроқдорлари бўлиб, 30 га яқини шахсий ёш йиллигини барвақт бажарган, 50 нафари кандидатлик стажи даврида икки йиллик топшириғини адо этишга ҳаракат қилаётган кандидатлардир. Мингдан знёд ёш коммунистлар «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган юксак ном учун курашиб, «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Ниринч бошланғич партия ташкилотларида ёш коммунистлар мактаблари ишлаб турибди. Уларда тажрибали партия, совет ва хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, партия ва меҳнат ветеранлари машғулотлар олиб бормоқдалар.

Партия ташкилотлари деярли ҳар бир кандидатга комсомол, касаба союз ишлари ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ доимий партиявий топшириқлар бермоқда.

Партия аъзолигига кандидатлардан ҳар тўрт кишидан бири кечки мактабларда, техникумларда ва олий ўқув юртларида, кўпчилиги партия маорифи ва иқтисодий таълим системасида таҳсил кўряпти. Ёш коммунистлар билан суҳбатлар партия комитетлари аъзолари, партия ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари иштирокида ўтказилмоқда. Шунингдек, партия аъзолигига кираётган кандидатларни тайёрлашда уларни тавсия қилган коммунистлар масъулияти оширилляпти.

Область партия комитети бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида бундай ижобий ишлар билан бирга ҳали айрим камчиликлар сорлигини, КПСС аъзолигига кандидатларни тарбиялашга ҳамиша ҳам комплекс ёндашилмаётганлиги ҳамда цех партия ташкилотлари ва партия группалари имкониятларидан тўла фойдаланилмаётганини таъкидлаб ўтди.

Область партия комитети ёш коммунистларнинг кандидатлик стажи моҳиятини янада ошириш мақсадида бошланғич партия ташкилотлари ишини такомиллаштириш ва йўл қўйилаётган камчиликларни тузатиш бўйича тадбирлар белгилади.

ЁШЛАРНИНГ КАСБ ТАНЛАШИ БЎЙИЧА КЕНГАШДА

Ешларнинг касб танлаши бўйича идораларо республика кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ёшларнинг касб танлаши бўйича идораларо Хоразм область кенгаши раиси Ш. Жабборовнинг ҳисоботи тингланди.

Кенгаш Хоразм областида амалга оширилган муайян ишларни қайд этиш билан бирга мавжуд камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. Мажлисда ёшларга касб танлаш бўйича консультацнялар бериш, ҳунар танлаш ва уларнинг корхоналар ҳамда муассасаларда турғун ишлаб қолишлари, шунингдек, ёшларни ишга жойлаштириш, уларнинг меҳнатини ташкил этиш устидан назорат сусайтириб юборилганлигига алоҳида эътибор берилди. Областда ёшларнинг касб танлаши бўйича кабинетлар тармоғи суст ривожланмоқда.

Мажлисда Хоразм область кенгашига кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг республикада ёшларнинг касб танлаши бўйича ишларни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажариш бўйича конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилди.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Андижон сув омборининг қурувчилари беш йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, республикада катта сунъий денгиз барпо этиш соҳасидаги ишларнинг иккинчи босқичини давлат комиссиясига графикда белгиланганидан барвақт топширдилар. Учинчи беш йиллик плани муваффақиятли адо этилди — бош пудрат бўйича 115 миллион сўмликдан кўпроқ иш бажарилди. Бунда сув омборининг шу йилга мўлжалланган ҳажми оширилди: вегетация бошланишига қадар унда мўлжалдаги 500 миллион кубометр ўрнига 700 миллион кубометр сув тўпланган эди. [ЎзТАГ].

Ўрта Чирчиқ районидаги тажриба пахта тозалаш заводи коллективи янги ҳосилдан тайёрланган дастлабки туркум маҳсулотни Германия Демократик Республикасига жўнатди. Корхона бу йил Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг тўқимачиларига 2000 тоннага яқин юксак сифатли пахта толаси юбориш мажбуриятини олган. Суратларда: 1. Завод участкаларидан бирида. 2. Пахта тойлари дўст мамлакатга жўнатилишга тайёр.

Г. Пун фотолари.
(ЎзТАГ).

«ТИКЛАНИШ» КИНО ЙИЛНОМАСИ—ЭКРАНДА

Янги беш серияли ҳужжатли, публицистик фильм—«Тиклаииш» халқ жасоратининг саҳифаларини—урушдан кейин халқ хўжалигини қайта тиклаш даврини гавдалантиради. Леонид Ильич Брежневнинг мамлакатимиздаги ва чет эллардаги миллион-миллион китобхонларга ғоят манзур бўлган «Тиклаиш» номли хотиралар китоби фильмга асос қилиб олинган.

Шу мароқли китобда тасвирланган воқеалар ва кишилар халқнинг Коммунистик партия раҳбарлигида кўрсатган меҳнат қаҳрамонлигини ифодаловчи кинохроника материалларида ва фотосуратларда яққол намоён бўлади. Экран совет ишчилар синфининг эртн яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган ажойиб кишилар тўғрисида ҳикоя қилади. Кўпдан-кўп улкан саноат корхоналари, шу жумладан В. И. Ленин номидаги ДнепроГЭС, «Запорожсталь» заводи уларнинг қўли билан мислсиз қисқа муддатларда қайтадан қад кўтарди.

Уша машаққатли, қийин йилларда ўртоқ Л. И. Брежнев Запорожье, сўнгра Днепропетровск область партия комитетларининг биринчи секретари бўлиб ишлаган эди. Леонид Ильич китобининг қаҳрамонлари — тиклаиишнинг бевосита қатнашчилари доимо омма орасида бўлган, сўзи ва иши билан уларга илҳом берган Леонид Ильичнинг кундалик фаолиятини ҳаяжон билан ҳикоя қиладилар. Улар Леонид Ильич Брежневнинг чиқиш ленинча, ижодий ишлаш услубини, одамларга сезгир муносабатини таъкидлайдилар.

Шу кунларда Днепр бўйларида олинган кинокадрлар картинага таркибий равишда қўшилиб кетган. Бу кадрлар гуллаб-яшнаб турган обод ўлкани, урушдан кейинги қурилиш қаҳрамонлари шон-шуҳратининг ворислари бўлмиш замондошларимизнинг илҳомбахш, фидокорона меҳнатини тасвирлайди.

«Тиклаиш» фильми 8 октябрь куни Марказий телевидение орқали кўрсатила бошлади. Украина телевизион фильмлар студиясида суратга олинган картина устида сценарийчилардан В. Барсук, А. Путинцев, режиссер Е. Рябко ишлаганлар. Хотиралар текстини СССР халқ артисти В. Тихонов ўқийди.

(ТАСС).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

ТАШАББУС ЧОРЛАЙДИ

Москваликларнинг В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги шарафига бошлаган ватанпарварлик ташаббуси коллективимиз меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Барча цех, бригадаларда йиғилишлар бўлди. Уларда шонли сана шарафига зиммага оширилган мажбуриятлар қабул қилинди.

Йиғув-механика цехида йилига 26,5 минг дона заднвижка ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди. Бу ерда «ДУ-150», «ДУ-200» маркали юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Р. Абдувалиев, З. Турсунов, А. Тожибоев, А. Мамедов каби мусобақа пешқадамлари беш йиллик планни муваффақиятли бажардилар.

Мен республикадаги ташаббускор ўн тўрт ишчи сафида меҳнат қилаётганим билан фахрланаман. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташаббусимизни маъқуллагандан кейин ҳар дақиқадан самарали фойдаланиб, топшириқларни муддатидан олдин бажардим. Шу кунларда дастгоҳларни покиза сақлаш, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш билан 1983 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдаман. Бу, менинг улуғ доҳий таваллудига муносиб меҳнат совғамдир. Биз тайёрлаётган маҳсулотнинг 92 процентига давлат Сифат белгиси берилмоқда. Улар мамлакатимиздан ташқари ўнга яқин хорижий давлатга экспорт қилинаётгани бир ғайратга ўн ғайрат қўшаётир. Биз меҳнат муваффақиятларини бундан буён ҳам кўпайтириб, В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб оламиз.

С. ОБИДЖОНОВ,
Наманган машинасозлик заводининг штамповкачиси.

Қишлоқ қурилиши—зарбдор иш

ФАРОВОН ТУРМУШ РАМЗИ

Тошбой ака хонадони Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг Чолтўқай қишлоғи четидаги эски хуторда истиқомат қилар эди. Оилада 11 фарзанд бор. Уларнинг 5 нафари ўқийди, 3 нафари эса боғча ёшида. Хуллас, уларга мактаб, боғча керак. Меҳнаткаш оила эски хуторнинг файзсиз, кўримсиз оғушида кўп қийналди. Шунинг учун ҳам эски хутор тугатилиб, колхоз марказида замонавий посёлка қурилармиш дейишганда, бу хонадоннинг шодлиги кўкка етди. Тошбой ака биринчилардан бўлиб колхоз правлениесига ариза ёзиб кирди ва қурилажак кооператив уйлар учун ўз жамгармасидан пул ўтказди.

Тошбой Бобобеков —колхоз жонкуярларидан бири. У деярли 10 йилдан бери илғор пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Умр йўлдоши Мастура Бобобекова эса 11 фарзандни тарбиялаётган Қаҳромон она бўлишига қарамай барча қатори далада меҳнат қилмоқда. Шунинг учун ҳам катта йўл ёқасида қуриб битказилган кооператив уйларнинг энг биринчиси Бобобековлар оиласига берилди.

— Далаларда фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан йил сайин мўл ҳосил олиб келмоқдамиз, — дейди Тошбой ака. — Шунинг учун даромадларимиз чакки эмас. Янги хонадонимизнинг ҳовлиси 15 сотихни ташкил этади. Уйимиз чиройли, пиҳан гиштдан қурилган, хоналари кенг ва қулай. Уй қурилишига сарфланадиган харажатнинг 35 процентини колхозимиз тўлайди, қолган қисмини эса ўзимиз 20 йил давомида тўлашимиз мумкин. Қисқаси, бу томонлари бизга жуда қулай. Бундай ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимизга раҳмат.

Сирдарёдан Гулистон шаҳрига қараб кетадиган катта йўлдан ўтган бўлсангиз, бу ажойиб уйларга, албатта, кўзингиз тушгандир. Уларнинг эгалари — Т. Бобобеков сингари деҳқонлар, сувчилар, механизаторлар, колхознинг ўқиқий жонкуярлари. Колхоз раҳбарлари хўжалик территориясидаги хутор системасини тугатиш, улар ўрнига янги, замонавий посёлкалар барпо этиш, қишлоқларга замонавий чирой, коммунистик мазмун бериш вазифасига биринчилардан бўлиб қўл урган эдилар. Мана, кейинги 2—3 йил мобайнида бу борада катта ишлар амалга ошириб қўйилди.

Хўжаликнинг «Ўзгипросельхоз» институти лойиҳачилари томонидан ишлаб чиқилган бош плани колхозчиларнинг умумий йиғилишида якдиллик билан тасдиқланди. Мазкур планга асосан хўжалик территориясидаги эски хуторлар батамом тугатилиши, марказий қўрғонда эса жами 475 та турли объект қурилиши лозим. Конкрет режалар билан қуролланган Сирдарё колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасининг қурилиш мастери Ёрбек Обидов бошчилик қилаётган биноқорлар коллективи ғайрат билан ишга киришдилар. Айниқса кооператив уйлар, боғча, мактаб сингари маданий-маиший, турар жой объектлари қурилишига алоҳида ташаббус билан киришилди. Натижада қурилиш бошланган дастлабки йилнинг охирида 6 та беш хонали кооператив уй қуриб битказилиб фойдаланишга топширилди. Ўтган йилга келиб эса колхозчилар яна 5 та беш хонали, 5 та уч хонали янги уйларда ҳовли тўйи ўтказдилар. Қурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли барпо этилаётган уйларни кўриб ҳамманинг ҳаваси келмоқда. Ўтган йили эса бу ерда областдаги хўжаликлар ва қурилиш ташкилотлари мутахассисларининг махсус семинари ўтказилиб, кооператив уйлар қурилишидаги ютуқлар оммалаштирилди.

Ўтган уч йилда хўжалик территориясидаги 3 та хутор тугатилди, жами 2 та кооператив уй, қатор маданий-маиший, савдо, болалар муассасалари, мактаблар қурилди. Хўжаликнинг янги фермаси ишга тушиш арафасида турибди. Эндиликда колхоз меҳнаткашлари кооператив уйлар қурилишида фидокорлик кўрсатаётган прораб Ёдгор Обидов, Злобин усулини районда биринчи бўлиб ўзлаштирган донгдор бригада бошлиғи Устем Исмоилов, шу бригада шуҳратини ошираётганлардан дурадгор Азим Жумабоев, ғишт терувчилар Убайдулла Аҳмедов, Ўрол Наврўзов, сувоқчи Зинаида Палитованларнинг номини ҳурмат билан тилга олмоқдалар. Мазкур қурилишда 18 нафар биноқорни бирлаштирган икки звено иш олиб боряпти. Ўтган йили бу коллектив йиллик топшириқни 109 процент адо этди. Пландаги 123 минг ўрнига 134 минг сўмлик иш бажарилди. Бу йилнинг дастлабки икки квартали ҳам шароитнинг оғир бўлишига қарамай, анча дуруст якунланди. Ҳозир қурувчилар Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашларига йил охиригача яна 10 та уй армуғон этиш учун астойдил курашмоқдалар.

— Янги кооператив уйлар колхозчиларимизга жуда ёқиб қолди, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Исаев. — Қурилиш бошланган дастлабки пайтларда 22 киши бизга ариза берган эди. Ҳозир уларнинг сони тобора ошмоқда. Ҳаёт — кооператив уйлар қурилишига ўз вақтида киришилиб, тўғри иш қилганимизни тасдиқламоқда. Илгари одамларимиз ўз даромадларини кассада сақлаб ётар эдилар. Энди бўлса уни маданий уй-жойлар қурилишига сарфламоқдалар. Ҳа, одамларимизнинг дунёқараши, турмуш тарзи ўзгариб бормоқда. Бундан биз ғоят миннатдормиз. Шунинг учун ҳам қишлоқларимиздаги кооператив уйлар қурилишини ҳар тарафлама кенгайтириш тарафдоримиз, бунинг учун зарур ёрдамни аямаймиз.

Шу нарсани мамнуният билан таъкидлаб ўтиш лозимки, «Облколхозстрой» трестига қарашли Сирдарё колхозлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Фақат Охунбобоев номли колхоздагина эмас, шунингдек райондаги «Правда», «Коммунизм», Ильич номли, «Ўзбекистон» колхозларида ҳам кооператив уйлар қурилиши кенг кўламда олиб борилаётир. Кўчма колонна коллективи ўтган йили кооператив уйлар қурилиши топширигини 122 процент адо этди. 1979 йилнинг еттн ойи топширигн ҳам ошириб бажарилди. Яна бир қувончли ҳол шу бўлдики, кўчма колоннанинг Рустам Бариев, Дамин Гайнуллин, Аҳад Ҳайдаровлар бош бўлган бригадалари йилнинг биринчи кварталида Злобин методида ишлашга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, бригада пудратига ўтиб ишлаётган коллективлар сони 5 тага етди. Йил охирига бориб улар сафига яна икки бригада қўшилади.

Недиб Нурмамедов раҳбарлик қилаётган Сирдарё колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси азаматлари бу йил юксак марраларни кўзламоқдалар. Улар йил охиригача юқорида санаб ўтилган хўжаликларда камида 20 та кооператив уй қуриб, дала меҳнаткашларига топширишмоқчи. Келажакда эса бу соҳадаги ишлар янада кенгайтирилади. Кўпдан бери кўчма колонна қурувчилари «Облколхозстрой» трести бўлинмалари орасида биринчиликни қўлдан бермай келмоқдалар. Бу йил эски анъаналарни бойитиш, илғор трестнинг энг илғор бўлинмаси деган номни сақлаб қолиш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда.

Ҳа, қўли гул қурувчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қишлоқларимиз жамоли ўзгариб, замонавий тусга кириб бормоқда. Бу эса фаровон турмушимиздан, қишлоқларимизнинг порлоқ келажагидан нишонадир.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУЮК БАШОРАТ

В. И. ЛЕНИННИНГ «ТУРКИСТОНДАГИ КОММУНИСТ ЎРТОҚЛАРГА» ХАТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Партиямизнинг асосчиси ва йўлбошчиси Владимир Ильич Ленининг мамлакатимиздаги барча халқлар ва элатларнинг ҳақиқий озодлиги учун ва уларни социалистик жамият қуришга илҳомлантириш ва уюштириш учун курашдаги тарихий роли улкандир. В. И. Ленин Совет Шарқида, шу жумладан Туркистонда Октябрь революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш, адолатли миллий сиёсат тантанаси учун ғоят муҳим тадбирларни амалга оширишга раҳнамолик қилди.

Ленин таълим бериб айтган эдики, ишчилар синфи билан барча миллат меҳнаткашларининг иттифоқи социалистик революция ғалабаси учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу иттифоқ уларнинг туб манфаатларига асосланади ва ишчилар синфи раҳбарлик ролини ўйнаган ҳолда социализм қуришнинг умумий негизида халқ оммасининг жипслашуви таъминланади. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин ҳар қандай шовинистларга ва миллатчиларга қарши изчил кураш олиб борди.

Инсоният тарихида янги давр — социализм даври бошланганлигини билдирган Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизда миллий масалани узил-кесил ҳал қилиш учун ҳам кенг йўл очиб берди.

Совет ҳокимияти вужудга келган дастлабки кунлардаёқ партиянинг ленинча программасига асосланиб, барча халқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилигини эълон қилди, миллий чекка ўлкалар халқларининг давлат бўлиб ажралиб чиқишга қадар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлади. Тарихда биринчи марта қолоқ мамлакатлар халқларининг капиталистик тараққиёт йўлини четлаб, социализмга ўтиши тўғрисидаги марксча-ленинча ғояни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунлардан бошлабоқ ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш соҳасида кенг тадбирлар амалга оширилди. Дастлабки социалистик ўзгаришлар муросачи партияларнинг ва буржуа миллатчи ташкилотларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Туркистондаги контрреволюцион кучлар «Қўқон мухтористи» деган буржуазия мухториятини эълон қилиб, Совет ҳокимиятига қарши чиқдилар.

Контрреволюцион автономия тор-мор келтирилгандан кейин феодал-клерикал элементлар ва турли-туман буржуа группалари чет эл интервентларининг қўллаб-қувватлаши билан босмачилик ҳаракатини, қулоқларнинг исёнлари ва фитналарини уюштирдилар. Улар туркистонлик 14 комиссарни ўлдирдилар. Туркистон Совет Республикаси огир синовларга дуч келди. Совет Россиясидан ажратиб қўйилган Совет Туркистони қўшинлари вайронгарчилик, очлик ҳукм сурган, қурол ва ўқдори етишмаган ғоят огир бир шароитда кенг меҳнаткашлар оммасининг мададига таяниб, ҳамма томондан ҳужум қилаётган душманнинг хуружларини қаҳрамонона қайтардилар.

В. И. Ленин бошчилигидаги Совет ҳукумати Туркистонни чет эллик интервентлар ва ички контрреволюциядан озод қилиш учун шошилинч чоралар кўрди.

Қизил Армиянинг Шарқий фронтдаги ҳал қилувчи ғалабалари Колчак қўшинларининг қолдиқларини тор-мор келтиришни таъминлади. Туркистонга йўл очилди. 13 сентябрда Қизил Армия қўшинлари Туркистон қўшинлари билан бирлашди.

Гражданлар уруши бошланганида Туркистон Коммунистик партияси ташкилий жиҳатдан қарор топиш босқичида эди. Туркистонлик коммунистларнинг кўпчилиги революцион кураш ва ғоявий-назарий тайёргарлик соҳасида етарли тажрибага эга эмас эди: коммунистларнинг бир қисми орасида шовинистик ва миллатчилик кайфиятлари кучли эди. Туркистонда Совет ҳокимиятининг дастлабки икки йили мобайнида юз берган бу ва бошқа барча қийинчиликлар шуни кўрсатдики, Туркистоннинг ёш Коммунистик партияси партия ички ҳаёти соҳасида ва ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда, ҳарбий, давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида РКП(б) Марказий Комитетининг ва Совет ҳукуматининг доимий, бевосита ёрдамига муҳтож эди.

В. И. Ленининг ташаббуси билан 1919 йил 8 октябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ Г. И. Бокий, Ф. И. Голошчекин, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, М. В. Фрунзе, Ш. З. Элиавадан иборат РСФСР Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг комиссияси тузилди. Комиссия давлат ва партия органи ваколатларига эга эди. Унинг асосий вазифаси — Туркистон халқларининг Россия меҳнаткашлари билан иттифоқини мустаҳкамлаш. Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Туркистонда миллий сиёсатни амалга оширишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш, партия ишини йўлга қўйишдан иборат эди.

Туркистонга Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКС комиссиясининг юборилиши муносабати билан В. И. Ленин «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» деган хат ёзди. Туркистон Компартияси ўлка комитети, ўлка мусулмонлар бюроси ва Туркистон МИК Президиумининг бирлашган мажлиси Ленининг хати билан танишиб ва комиссия раиси Элиаванинг докладини тинглаб, қуйидаги мазмунда резолюция қабул қилди: **«Тарих бизга юклаган барча вазифаларни партиямизнинг Марказий Комитети ва III Интернационал кўрсатмаларига бўйсунган ҳолда бажарамиз, деб қасамёд қиламиз».** 1920 йилнинг январида Ленининг хати Туркистон Коммунистик партияси V Умумпартия ўлка конференциясида муҳокама қилинди. Конференция В. И. Ленинга хат йўллади.

Унда Туркистон коммунистлари йўл қўйилган хаталарни бартараф қилишга, Турккомиссияни якдиллик билан қўллаб-қувватлашга ваъда бердилар.

Ленин Ўрта Осиё коммунистларининг, шунингдек, мамлакатнинг бошқа шарқий чекка ўлкалари коммунистларининг диққат-эътиборини мустаҳкамлашга ўтмиш қолдиқларини қатъиян тугатишга, меҳнаткашларнинг иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳар қандай тенгсизлигига барҳам беришга, меҳнаткашларни совет ва хўжалик қурилишига кенг жалб этишга, шу асосда Совет Шарқи халқлари билан Совет Россияси халқларн ўртасидаги муносабатларда тўла тенглик ва бузилмас дўстлик ўрнатишга қаратди.

Ленин хатининг жуда муҳим аҳамияти шундан иборатки, бу хатда собиқ мустамлака чекка ўлка халқларига нисбатан пролетар интернационализми принциплари эълон қилинган ва Туркистондаги миллий масалани ўз тақдирини ўзи эркинлик билан белгилаш асосида ҳал этишнинг халқаро аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган эди. «Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучсиз, шу дамгача эзилган маълум халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, мингларб ва миллионлаб кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади, — дейилади бу ҳужжатда. — Мен сизлардан бу масалага, айниқса, эътибор беришингизни, Туркистон халқлари билан ибрат кўрсатиб, амалий иш билан ўртоқларча муносабат ўрнатишга бутун кучингизни сарф қилишингизни, Британия империализми бош бўлган жаҳон империализмига қарши астойдил курашиш учун великорус империализмининг изларини йўқотишни чин кўнгилдан истаганлигимизни уларга иш билан исбот қилишингизни... сизлардан жуда илтимос қиламан».

В. И. Ленининг йўл-йўриқлари нокапиталистик тараққиёт йўли тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотга мувофиқ Туркистонда ўтказилган социал-иқтисодий ўзгаришлар программасига асос бўлди.

Туркистоннинг партия ва совет ходимлари Турккомиссиянинг ёрдамида чет эл интервентларига ва босмачиларга қарши курашни, халқ хўжалигини тиклаш, партия ва совет органларини мустаҳкамлаш ишларини қизитиб юбордилар.

Маҳаллий миллат меҳнаткашларини Қизил Армия сафига кенг жалб этиш, ўзини мудофаа қилувчи кўнгилли отрядлар сонини кўпайтиришга айниқса катта аҳамият берилди.

Туркистон фронтининг қўмондони М. В. Фрунзеннг 1920 йил 7 майда маҳаллий миллат меҳнаткашларидан 30 минг кишини Қизил Армия сафига олиш ҳақида чиқарган буйруғини ўлка меҳнаткашлари зўр шодлик билан кутиб олдилар. Совет ҳокимиятининг қуролли қўшинлари сафига маҳаллий миллат меҳнаткашларидан 31 мингдан ортиқ киши қўшилди.

Қизил Армиянинг Туркистон меҳнаткашлари билан биргаликда олиб борган қаҳрамонона кураши натижасида 1920 йилнинг бошларида Закаспийда инглиз интервентлари тор-мор этилиб, апрель ойида Еттисувдаги оқ казакларнинг чиқишлари бостирилди. Бу даврда Фарғона водийсидаги ва бошқа жойлардаги босмачиларнинг асосий кучларига қақшатқич зарба берилган эди.

Ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш Ўрта Осиё халқлари тарихида жуда катта социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларга олиб келди.

Туркистонда ички ва ташқи душманларга зарба берилиб, Совет ҳокимияти мустаҳкамланди. 1920 йилда бўлиб ўтган халқ демократик революциялари натижасида Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги агдарилди. Ўрта Осиё харитасида янги халқ давлатлари — Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари вужудга келди.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм Совет Республикалари кўп миллатли республикалар эди. Бу республикалар Совет Россияси ёрдамида иқтисодий-маданий томондан ривожланиб, катта муваффақиятларга эриша бошлади. Ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа социалистик миллатлар тобора ривож топди. Улуғ Ленин шу тарихий жараённи ҳисобга олиб, 1920 йилдаёқ «Туркистоннинг харитасини тузишни ва унда Туркистонни Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонга бўлишни кўзда тутиш», ана шу уч қисмни бирга қўшиш ёки ажратиш шароитларини батафсил аниқлашни топшириш зарур, деб топди. Ленин бу масалани ўйлаб, тайёргарлик билан олиб боришни ўқтирди: «Республикани уч қисмга бўлиш масаласини олдиндан ҳал этиб бўлмайди» — деб таъкидлаб ҳам ўтди.

В. И. Ленин Туркистон ўлкасида Совет миллий давлатларининг тобора ривожланиши, Туркистонда бир неча миллий республикалар ташкил этиш муаммоси ғоят муҳим эканлигини жуда

Сўз — хўжалик раҳбарларига

МАРРАМИЗ — 10 МИНГ ТОННА

Совхозимиз далаларида йиғим-терим юксак суръатлар билан олиб борилаётир. Барча терим машиналари унумли ишлатилмоқда, чевар теримчиларимиз эса етиштирилган ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишда чинакам ғайрат кўрсатмоқдалар. Шу боисдан «оқ олтин» хирмонимиз кун сайин юксалиб, ғалаба чўққилари яқинлашмоқда. Хўжалигимиз кунлик суръатда районда биринчи ўринда борayотир.

Совхозимиз — қўриқ бағрида ташкил топган хўжаликлардан. Дастлаб унинг ерларини оборотга киритиш, ҳосилдорликни ошириш ғоят мушкул бўлди. Негаки, тупроқ структураси, еримизнинг мелиоратив ҳолати яхши эмас эди. Шунинг учун ҳам кўп йиллар мобайнида хўжалигимиз қолоқлар сафидан чиқмай қолди. Лекин юқори партия, совет ва хўжалик органларининг ёрдами туфайли сўнгги йилларда барча майдонларда катта тадбирлар амалга оширилди. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш, техникадан самарали фойдаланиш йўлида жиддий ўзгаришлар бўлди. Шулар туфайли кейинги йилларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан дуруст ҳосил олаётирмиз. Ерларимизнинг унумдорлиги ошиб бормоқда.

Ўтган йилни олиб кўрайлик. 1978 йил деҳқончилик учун нақадар оғир келгани кўпчиликнинг ёдида. Шунга қарамай биз давлатга пахта сотиш планинигина эмас, балки олинган мажбуриятни ҳам областимизда биринчи бўлиб бажардик. Она-Ватанга 6800 тоннадан знёд чўл дурдонаси етказиб берилди. Бу, хўжалигимиз тарихидаги энг юксак хирмондир.

Шўр ерда деҳқончилик қилиш машаққатли иш эканлиги сир эмас. Айниқса, ёғин-сочин кўп бўлган пайтларда ташвишимизга ташвиш қўшилади. Бу йил худди шундай бўлди. Чигит экиладиган ойларда кетма-кет ёғингарчилик бўлди. Иш ҳар қачонгидан қўпайди. Лекин совхозимиз меҳнат аҳли белни маҳкам боғлаб, ҳамжиҳатлик билан иш кўрдилар ва барча қийинчиликларни мардонаворлик билан енгиб ўтдилар. Ёз ойларида экинларни бир текисда ривожлантириш, уларни ҳосилга киритиш йўлида ҳам озмунча қийналганимиз йўқ. Бунда қатъи назар энди шу нарсани мамнуният билан айтиш мумкинки, хўжалигимиз меҳнат аҳлининг ҳаракатлари зое кетмади. Пайкалларимизда давлат планинигина эмас, балки зиммадаги улкан мажбуриятни ҳам қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Эндиги масала ана шу ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиб, давлат хирмонига етказиб беришда қолди. Биз ана шу мақсад йўлида бор имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Совхозимиз бу йил 4598 гектар ерда пахта етиштирди. Ҳосилдорликни энг юксак марра ҳисобланган ўтган йилдагидан гектар бошига камида 3—4 центнерданга оширамиз. Бошқача қилиб айтганда, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида она-Ватанга пландаги 6400 тонна ўрнига 10 минг тоннадан знёд «оқ олтин» етказиб берамиз.

Ерларимизнинг шароити оғир бўлишига қарамай қатор бўлим ва бригадаларнинг коллективлари юқори марралар учун дадил курашлар олиб бормоқдалар. Абдулла Умаров, Умрзоқ Қорабоев, Эгамназар Хўжанов ўртоқлар бошқарувчилик қилишаётган бўлимларда ҳосилдорликни гектар бошига 27—30 центнерга етказиш учун кураш олиб борилаётир. Абдувоид Зулпанов, Холмат Қизилов, Раҳмат Расулов, Абдураим Мамалатипов, Усмон Қурбонбоев ўртоқлар бош бўлган бригадалар коллективлари эса 35—38 центнерлик марра учун ғайрат қилмоқдалар. Бу бизнинг шароитимизда катта кўрсаткич ҳисобланади.

Чўл бағрида ташкил топган барча хўжаликларда бўлгани каби бизнинг шароитимизда ҳам ишчи кучи етишмайди. Шунинг учун пахтачиликдаги барча ишларни техника зиммасига юклаганмиз. Жумладан, бу йил ялпи ҳосилнинг 90 процентини техника ёрдамида йиғиштириб олишга қарор қилганмиз. Кўпгина бўлим ва бригадаларда эса етиштирилган ҳосилнинг деярли 100 проценти агрегатлар ёрдамида йиғиб-териб олинади. Совхозимиз ўзининг 100 та пахта териш, 14 кўсак териш ва 16 та кўрак чувиш машиналарига, 31 та подборшчик, 13 та транспорт трактор, 136 та тележка ҳамда бошқа йиғим-терим техникасига эга. Биз ана шу машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш учун конкрет чораларни кўраётирмиз. Ҳозирги кунларда совхозимиз пахта далаларида 250 нафар механизатор, 4 мингга яқин теримчи ғайрат кўрсатмоқда. Машина терими группа усулида ва икки сменада ташкил этилган. Совхозимиз бўйича жами 11 та терим-транспорт отряди тузилди.

Дефолиация сифатли ўтказилиб, машина теримини районимиз хўжаликлари ўртасида биринчилардан бўлиб бошлаб юборган эдик. Натижада, ҳозирги кунда йиллик планнинг 7—8 проценти атрофида пахта териб, давлатга топширмоқдамиз. Ҳосил тақдири ҳал бўлаётган ҳозирги дамларда механизаторларимиз ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Маматқул Аҳматов, Бозорбой Йўлдошев, Абдували Мамадалиев, Турди Норбоев, Иброҳим Омонов, Саттор Мирзаев, Жаббор Раҳимов каби ўнлаб «зангори кема» капитанларининг номларини ҳурмат билан тилга олса арзийди. Уларнинг ҳар бири бу йилги мавсумда 250—300 тон нидан пахта териш мажбуриятини олишган. Совхозимизда шу кунларда ҳар бир машина билан кунига 10—12 тоннадан пахта териб олинаётир.

Йиғим-терим кампаниясини бошлаб юборганимиз ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай совхозимизнинг пахта штабига ҳар куни кетма-кет хушхабарлар, ғалаба рапортлари келиб турибди. Қисқа давр мобайнида хўжалигимизнинг Нурали Холназаров, Бегимқул Жабборов, Даур Солиев, Қурбон Норбеков, Худойберди Хўжанов, Тошпўлат Эшонқулов ўртоқлар бош бўлган бригадалар пахтакорлари зафар маррасига етиб келдилар ва айни кунларда зиммаларидаги юксак мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Техника шарофати туфайли ана шу бригадаларда 2—3 кундаёқ зафар қучишга муваффақ бўлинди. Ҳозир эса яна қатор бригада ва бўлимларимиз ҳам ғалаба рапортига имзо чекиш арафасида туришибди. Совхозимиз ўтган йили 14 иш кунида йиллик планни бажарган эди. Бу йил ҳам йиғим-терими тез ва соз ўтказиш туфайли октябрь ойининг охиригача йиллик планнигина эмас, балки зиммадаги юксак социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажарамиз. Улуғ Октябрнинг шонли 62 йиллик байрамини ёруғ юз билан кутиб оламиз. Бутун совхозимиз меҳнат аҳлининг олий мақсади ана шунга қаратилган.

У. АҲМЕДОВ,
Сирдарё область, Ильич районидаги Гагарин номли совхоз директори.

СОҲИБКОР ВА БОҒБОНЛАР ҒАЛАБАСИ

НАМАНГАН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Наманган областининг соҳибкор ва боғбонлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар давлат тайёрлов ташкилотларига 87 минг тоннадан ортиқ сабзавот, кўп миқдорда ҳўл мева ҳамда узум етказиб бериб, бу соҳадаги халқ хўжалик планларини муддатидан олдин бажардилар. Тайёрланаётган мўл ҳосилнинг талай қисми мамлакатнинг Узоқ Шарқ ва Сибирь районларига, БАМ қурувчиларига жўнатилди.

Эришилган ютуққа Косонсой, Поп, Задарё, Учқўрғон, Норин районлари хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Давлатга пландан ташқари мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари топшириш давом этмоқда.

ЙИҒИМ-ТЕРИМ АВЖИДА

ВОБКЕНТ. «Октябрь» колхози меҳнаткашлари табиат қийинчиликларини мардонаворлик билан енгиб, 1118 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Хўжалик пахтакорлари гектаридан камида 35 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олишга аҳд қилишган.

Хўжаликда пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Моҳир механизаторлардан Раҳмон Раҳимов, Шариф Шаропов, Темир Маликовлар кунлик нормаларини ортиғи билан бажариб, ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишаётир. Уларнинг ҳар бири мавсумда «зангори кема» билан 200—300 тоннадан дурдона териб бериш мажбуриятини олишган.

Ф. ИШЧЕНКО,
агроном.

яхши тушунтирди. Ленининг доно кўрсатмалари маҳаллий партия ва совет ташкилотларини партиянинг миллий сиёсатини амалга ошириш учун равшан программа билан қуроллантирди. Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари юксала бориб, социалистик республикаларга айланганидан кейин бутун Ўрта Осиё миқёсида миллий давлат чегаралаш имконияти туғилди.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишини ўтказиш учун барча тарихий шароитлар вужудга келди. Босмачилик ҳаракати тугатилди. Совет ҳокимияти мустаҳкамланди. Социалистик хўжалик ва маданиятнинг ривожланишида муҳим муваффақиятларга эришилди.

Ўзбек социалистик миллати таркиб топиши тезлашди. Мана шундай қулай шароитда 1924 йилда Ленин партияси раҳбарлиги остида Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилди. Натижада ўлкада ҳозирги республикалар ва шу жумладан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига ихтиёрий қўшилиб, буюк дўстликдан баҳраманд бўлди.

Айни вақтда Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топди. Бу тарихий воқеа ленинча миллий сиёсатнинг янги ғалабаларидан далолат берди.

В. И. Ленин Туркистон коммунистларига хат йўллаган даврдан буён ўтган 60 йил ичида барча совет халқлари қаторида ўзбеклар, қорақалпоқлар ҳаётида улуғ социалистик ўзгаришлар рўй берди.

Коммунистик партия раҳбарлигида, улуғ рус халқи ёрдами туфайли, капитализмнинг азобли босқичини четлаб, қолоқликдан ҳозирги замон тараққиётига, феодализмдан социализмга ўтдик.

Советлар мамлакатида индустриалштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида Ўзбекистон мамлакатимизда қудратли индустриал ва колхозлашган республикага айланди.

Ўзбек халқи барча синовлардан ўтиб, социалистик интернационализм байроғи остида ўз тақдирини рус халқи билан, мамлакатимизнинг барча халқлари билан абадий боғлаб, биргаликда ривожланган социализм поғонасига кўтарилди.

Совет Шарқининг тарихий муваффақиятлари бу ерда коммунистик ташкилотларнинг қарор топиши ва ривожланиши, марксизм-ленинизм ғоялари ва пролетар интернационализми принциплари асосида мустаҳкамланиши билан боғлиқдир. В. И. Ленин Совет Шарқида коммунистик ҳаракатнинг қарор топиш йўллари ни кўрсатди. Совет Шарқида коммунистик ташкилотларнинг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишида Ленин партияси ҳал қилувчи роль ўйнади. Бунда партия Марказий Комитетининг ваколатли органи бўлган Турккомиссия, Туркбюро ва Ўрта Осиё Бюроси катта ёрдам берди.

Ўрта Осиё коммунистлари В. И. Ленининг сафдошлари В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Я. Э. Рудзутак, С. Оржоникидзе, М. И. Калинин ва бошқа ўртоқлардан катта ёрдам олдилар ва уларнинг бой тажрибаларидан баҳраманд бўлдилар.

Партиямиз ленинчи Марказий Комитети ёрдамида маҳаллий халқлар орасидан Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов ва оммаси нинг бошқа кўпгина чинакам раҳбарлари етишиб чиқди.

Ленининг Туркистон коммунистларига ёзган хати даврида Ўзбекистон территориясидаги жами коммунистларнинг сони икки мингдан иборат эди. Ҳозирги кунда эса КПССнинг жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Коммунистик партияси 480 мингдан ортиқ коммунистни бирлаштиради. Республика партия ташкилотидаги коммунистларнинг қариб 70 проценти ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг илғор вакилларидан иборат.

Совет Ўзбекистони ўзининг бутун ҳаёти билан, қўлга киритаётган барча ютуқлари билан Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатнинг тўғри эканлигини, мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва социалистик интернационализми ҳақидаги ленинча ғояларнинг улуғворлиги ва енгилмаслигини исботлади.

Ўзбекистон ССР қисқа тарихий давр ичида бошқа Ўрта Осиё республикалари сингари қолоқликдан тараққиётга, феодализмдан социализмга олиб чиққан тарихий босқични босиб ўтди. Ўзбекистон ССРнинг ва бутун Совет Ўрта Осиёсининг равнақини қайд қилиб, республикага Халқлар Дўстлиги орденини топшириш маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бундай деган эди: «Совет Ўрта Осиёси гуллаб яшнаганлиги, унинг тез суръатлар билан олға бораётганлиги шонли Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсатининг бевосита натижасидир. Бу сиёсат интернационализм принципларига асосланган. У ўзини озод қилиш билан бирга мазлум халқ оммасини ҳам озод қилаётган ишчилар синфининг тарихий бурчи конкрет ишларида мужассамланаётганлигини кўрсатувчи ёрқин намунадир».

Хорижий Шарқ мамлакатлари тараққиёт йўлига ўтишда Совет Шарқининг феодализмдан социализмга ўтишдаги бой тажрибасидан фойдаланмоқдалар. Дарҳақиқат, бу тарихий тажриба жуда муҳим илҳомбахш манбадир.

Совет Шарқининг ривожланган социализм ғалабалари ва коммунизм сари илдам қадамлари В. И. Ленин васиятлари изчил амалга оширилаётганлигининг натижасидир. Бу ғалабалар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг раҳбари, В. И. Ленин буюк ишларининг давомчиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг жуда катта назарий ва амалий ишларининг натижасидир.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари шонли Коммунистик партия раҳбарлигида ва Совет Иттифоқи халқларининг интернационал қардошлик онласида мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши йўлидан бундан бўён ҳам дадил қадам ташлаб олға томон боравердилар.

Ҳ. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси.

ПЕШҚАДАМЛАР ИБРАТИ

Хоразмлик азамат пахтакорлар эл хазинасига 425 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш иштиёқида йиғим-терим суръатини кун сайин оширмоқдалар. Хонқа ва Янгариқ районларининг «оқ олтин» карвонлари олдинда боришяпти. Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳар бир теримчининг ўртача кунлик иш унуми 100 килограммдан ошди. Мавжуд 18 та терим агрегати юксак унумларда ишлатилмоқда. Терим-транспорт звенолари ҳар бир механизмнинг тўхтовсиз ва унумли ишлашига эришмоқдалар. М. Матназаров бошлиқ бригадада дастлабки икки кунда машина бункерларидан йиллик планнинг қариб 10 проценти миқдорида «оқ олтин» тўкилди. Ражаббой Қурбонбоев, Саъдулла Тоҳиров, Шомурод Эшмуродов, Аминбой Юсупов каби механик-ҳайдовчилар ҳар куни 4,5—5 тоннадан дурдона йиғиб олишяпти.

Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози пойганинг олдида бораётир. Хўжаликнинг К. Оллаёров бошлиқ бригадаси ҳар куни йиллик планнинг тўрт проценти миқдорида пахта топширишга эришаётир. Д. Хаитбоева, Х. Худойберганова каби кўпминг килограммчиларнинг хирмонга кунлик ҳиссаси 250 килограммга етди. Улар мавсум нормасини бир ойда бажаришга аҳд қилганлар.

Тошкент область Ғалаба районн коммунистлари бошлаб берган ташаббус асосида Янгариқ район партия комитети йиғим-терими намуналари ўтказиш юзасидан конкрет тадбирларни белгилади ва бу тадбирларни область партия комитети маъқуллади. Район пахтакорларининг бу йилги марралари пахта ҳосилини 36 минг тоннага, ҳосилдорликни 42 центнерга етказишдан иборат. Жами ҳосилнинг 70 проценти машиналарда терилади. 11 та терим-транспорт отряди тузилиб, машина терими бошлаб юборилди.

Область партия комитети Боғот районидаги «Коммуна» ва Шовот районидаги «Москва» колхозларининг правлениелари ва партия комитетлари ишлаб чиққан тадбирларни ҳам маъқуллади. «Коммуна» колхозида етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси машиналарда терилади.

Область далаларида йиғим-терим қизғин паллага кирмоқда. Каттагина майдонларда пахта яхши очилган. Эндиликда теримчиларнинг сонини кўпайтириш, терим техникасини ишга солиш вақти келди. Илғорлар тажрибаси суръатни анча ошириш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Аммо Гурлан ва Шовот районларидаги қатор хўжаликлар пахта тайёрлашда орқада қолмоқдалар.

Областнинг барча хўжаликларида пахта тайёрлашни жадаллаштириш учун бутун куч ва моддий техника воситалари ишга солиниши, теримда уюшқоқлик ва сафарбарлик оширилиши лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТАРИХИЙ ТИНЧЛИК ТАШАББУСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Берлиндаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқи бутун дунёда зўр қизиқишга сабаб бўлди. Чет мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, давлат арбоблари Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббуси тарихий аҳамиятга молик эканини таъкидламоқдалар. Бу ташаббус равшан мақсадни — Европадаги барча мамлакатларнинг хавфсизлик ва тинчлик шароитларида яшашини реал равишда таъминлаб беришни кўзлаши қайд этилмоқда.

Совет Иттифоқининг, бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг сиёсати халқларнинг ҳаётий манфаатларига тўла-тўкис мос бўлиб тушаётганини ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи янги куч билан кўрсатди, деб ёзади **«Нойес дойчланд»** газетаси (ГДР). СССРнинг халқаро майдондаги ҳаракатлари — халқаро сиёсатдаги реализм ва давлат донишмандлигининг намунасидир.

Л. И. Брежневнинг Европадаги ҳарбий кескинликни юмшатиш тўғрисидаги салмоқли таклифлари, деб ёзади Польшадаги **«Трибуна люду»** газетаси, Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва реал қуролсизланиш учун, кескинликни юмшатиш ва Ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш ишида бирлан буёнги силжиш учун нақадар қатъият ва изчиллик билан курашиб келаётганлигининг яна бир ёрқин мисолидир. Европадаги ҳарбий кескинликни юмшатишнинг Л. И. Брежнев нутқида баён этилган программаси империалистик пропагандаси «Шарқдан хавф бор» деган уйдирмаларини пучга чиқаради. Совет раҳбари ана шу туҳматга яна бир кескин зарба берди.

«Совет раҳбари кутилмаган қарорга келганини эълон қилиш билан, деб ёзади **«Вашингтон стар»** газетаси, — НАТО мамлакатларининг ҳам шунга жавобан тегишли қадамлар қўйишларига умид қилишини равшан билдирди». Гўё Совет Иттифоқи Европа қитъасида ўзининг ҳарбий қудратини мудофаа эҳтиёжларидан ортиқ миқёсда кўпайтирмоқда, деган даъволар кенг жамоатчиликни жўттага алдашдан бошқа нарса эмас, деди Л. И. Брежнев. **«Нью-Йорк таймс»** газетасининг ёзишича, «Л. И. Брежневнинг қўшинлар ва танкларни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги баёноти Оқ уй билан давлат департаментини саросимага солиб қўйди». Шу муносабат билан газетанинг ёзишича, Америкадаги баъзи бир доиралар НАТОнинг ракета-ядро қудратини ошириш режалари Ғарбий Европада қаршиликка дуч келиши мумкин, деб хавотир олаётганликларини яширмаяптилар.

ГФР канцлери Г. Шмидт Германия Социал-демократик партиясининг Нюрнбергдаги съездида сўзлаган нутқида бундай деди: Совет раҳбарининг нутқини синчиклаб ўрганиб чиқиш керак. 20 минг нафар совет ҳарбий хизматчисини ва мингта танкни Совет Иттифоқининг бир ўзи қисқартириш тўғрисидаги қарори қуролсизланиш борасидаги музокараларга далда беради.

«Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатишга ва қуролсизланишга қайси йўлдан бориш кераклигини яна кўрсатиб берди, — деб ёзади Англиядаги **«Морнинг стар»** газетаси. — НАТО мамлакатлари бунга муносиб жавоб беришлари керак. Л. И. Брежневнинг сўзлари миллион-миллион оддий кишиларнинг дилига йўл топишига ҳеч бир шаксшубҳа йўқ. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун кимдир қадам қўйиши лозим эди. Совет Иттифоқи ана шундай қадам қўйди». **«Файнэншл таймс»** номли Лондонда чиқадиган яна бир газета Марказий Европадаги совет қўшинларини қисқартириш тўғрисидаги қарорни жиддий равишда кўриб чиқишга лойиқ «жозибадор ташаббус» деб атади. «Бу — Совет Иттифоқининг оқилона қадамидир», деб уқтиради газета. Унинг фикрича, Ғарбда янги қурол-яроғларни жойлаштириш режаларига қаршилик кучаяди.

Л. И. Брежневнинг нутқи, деб ёзади Франциядаги «Юманите» газетаси, катта воқеа бўлди. Совет раҳбари Европадаги ҳарбий кескинликни юмшатишга қаратилган тадбирлар ва таклифларнинг бутун бир туркумини баён этиб берди. СССР ўзининг Марказий Европадаги қўшинларини бир ўзи қисқартириши жуда катта қарордир.

«Совет қўшинларини кенг миқёсда олиб чиқиб кетиш мислсиз воқеа бўлиб, бутун Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантириш учун илк нуқта бўлиб қолиши мумкин», — деб ёзади Японияда **«Иомиури»** газетаси.

(ТАСС).

Суратда: Греция пойтахти Афина шаҳрининг кўриниши.
А. Савин фотоси. (ТАСС).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАР

МЕХИКО. (ТАСС). Никарагуа Миллий уйғониш ҳукумати мамлакат қишлоқ хўжалигини қайта қуриш программасини муваффақият билан амалга оширмоқда. Манагуада эълон қилинган ер ислоҳоти министри Хайме Уилокнинг докладида айтилишича, жуда яқин орада пахта, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, аграр саноат комплекслари қуришга катта эътибор берилади. Мамлакатда собиқ диктатор Сомосага қарашли жуда кўп ерларни Никарагуа деҳқонларига тақсимлаб бериш давом этмоқда. Х. Уилокнинг докладида революциядан кейин ўтган вақт мобайнида деҳқонларга 700 минг гектардан кўпроқ ер фойдаланишга берилганлигини таъкидлаб ўтди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ТЕҲРОН, 4 мингдан знёд ишсизлар Теҳронда ҳукумат рухсатсиз митинглар, йиғилиш ва намойишлар ўтказишни ман қилганлигига қарамай меҳнат министрлиги бинаси рўпарасида норозилик намойиши ўтказдилар.

Намойишчилар «Биз қурук сўзни эмас, балки нон берилишини истаймиз» шиорини такрорладилар, деб уқтириб ўтади «Теҳрон таймс» газетаси. Намойишчилар ишсизларни иш билан таъминлаш, ишсизлик нафақаси тўлаш юзасидан самарали ва шошилинч чоралар кўришни талаб қилдилар.

◆ ЛУАНДА. Ангола пойтахтида бўлиб ўтган семинар партия қурилиши масалаларига бағишланди. Семинар иштирокчилари МПЛА — Меҳнат партиясига номзодлар танлаш ва қабул қилиш, шунингдек бошланғич партия ташкилотларни ва партия комитетлари тузиш мақсадида мамлакатда ўтаётган кампанияга алоҳида эътибор бердилар. Шу йилнинг март ойидан сентябрь ойигача Луандада 245 та бошланғич партия ташкилоти ва 17 партия комитетлари тузилди.

◆ ИСЛОМОБОД. Покистон ҳарбий маъмурияти бошлиғи президент Зиёулҳақ миллий ассамблея — парламент қуйи палатасига бўлажак сайловларда иштирок этиш учун сиёсий партияларни рўйхатга олиш муддати 9 октябрга чўзилади деб эълон қилди. Рўйхатга олиш 2 октябрда тугаган эди. Лекин шу вақтгача Покистондаги 56 та сиёсий гуруҳлардан фақат 16 таси рўйхатга олинди. Мамлакатнинг оппозициядаги етакчи партиялар, шу жумладан собиқ бош министр З. А. Бхуттонинг Покистон халқ партияси ҳарбий маъмурият томонидан 17 ноябрга тайинланган сайловни бойкот қилиш ниятида эканликларини билдирдилар.

(ТАСС).

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР

ПАРИЖ, 9 октябрь. (ТАСС). Францияда Совет Иттифоқи кунлари М. Турғунбоева номли Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган давлат халқ рақс ансамбли «Баҳор»нинг Париж йўлдош шаҳри Сартрувилда зўр муваффақият билан ўтган завқли концерти билан очилди. Бундай кунлар икки мамлакат ўртасида дўстона алоқаларни муттасил ривожлантириш жараёнида яхши бир анъана бўлиб қолди.

Бу йил Ўзбекистон совет халқлари кўп миллатли қардош оиласидан вакил бўлиб борган. Франция кенг жамоатчилигининг совет делегацияси билан учрашувлари бошланди. Бу делегацияда Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг раҳбарлари, Ўзбекистон ССРнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, маданият ходимлари, меҳнаткашлари бор.

«Баҳор» ансамблининг концерт маршрути Франциядаги 20 шаҳар орқали ўтади. Айни маҳалда кўрсатилаётган фотовиставкалар Совет Ўзбекистонининг ҳаёти ва ютуқлари тўғрисида яққол тасаввур бермоқда, шунингдек Ўзбекистоннинг ҳужжатли кинофильмлари намойиш этилмоқда.

Сартрувиль ва Аммнен аҳолиси (бу ерда ҳам ўзбек артистларининг концерти бўлди) совет республикаси вакилларини ниҳоятда самимий қабул қилдилар. Сартрувиль ҳокими А. Кретьен меҳмонларни табриклаб, биз юқори маҳоратдаги рақсларга, созандаларнинг истеъдодларига мафтун бўлиб қолдик, деди. Назаримда афсонавий учар гиламга ўлтириб, шу кеча серқуёш Ўзбекистонга бориб қолгандек бўлдим, деди у.

Ўзбек санъат усталари кўрсатган ажойиб спектакль, шунингдек бутун дўстлик байрами халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилашга, Европада ва бутун планетада кескинлик юмшатилишига ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб таъкидлади А. Кретьен.

СССР — ҲИНДИСТОН:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

ТРОПОСФЕРА АЛОҚА ЛИНИЯСИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИЛЯПТИ

ДЕҲЛИ, 9 октябрь. (ТАСС мухбири). Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида тўппа-тўғри кўп каналли тропосфера алоқа линиясини яратиш борасидаги ишлар ҳал қилувчи босқичга кирди, деди Ҳиндистон давлат алоқа министри Нарсингх. Бу линия келаси йилнинг ноябрида ишга тушади.

Тропосфера алоқасини очиш тўғрисидаги битим 1977 йилда имзоланганди. Бу битим совет асбоб-ускуналаридан, шунингдек Ҳиндистон асбоб-ускуналаридан фойдаланишни совет мутахассисларининг ёрдами билан ҳиндистонлик инженерлар махсус тайёргарликдан ўтказилишини кўзда тутади, деди Нарсингх ТАСС мухбири билан суҳбатда.

Ҳозирги вақтда Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида телеграф, телефон ва телекс алоқа турлари амал қилмоқда. Аммо улар турли атмосфера таъсирларига учраб туради. Бирлашиб ўтказилган эксперименталр атмосферанинг турли таъсирларидан ҳоли тропосфера алоқаси ғоятда пухталигини тасдиқлади. Битим Ҳиндиқуш тог системасидаги икки чўққидан табиий ретранслятор сифатида фойдаланишни кўзда тутади. Сринагар ва Тошкент районида ерга ўрнатиладиган икки станция ўн икки каналли шу линиянинг асосий бўғинлари бўлади. Станциялар бир-бирига радио тўлқин юборади. Бу тўлқинлар тропосферадан ва муайян тоғ чўққиларидан акс этиб, йўналишини ўзгартиради. Ердаги станциялар бу сигнални коаксиал кабель ва микротўлқинли радиореле системалари орқали ундан нарига жўнатади. Линия Ҳиндистоннинг СССР билан ғинна эмас Европадаги мамлакатлар билан ҳам пухта алоқа қилиб туришини таъминлайди.

Ҳиндистон ва совет мутахассисларининг тропосфера алоқаси соҳасидаги ишлари икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб таъкидлади провардида Ҳиндистон министри.

Г. БРАУННИНГ НАМОЙИШ-КОРОНА САФАРИ

ВАШИНГТОН, 9 октябрь. (ТАСС). АҚШ мудофаа министри Г. Браун кеча Ер Ўзестедаги ҳарбий денгиз базасига инспекция мақсадида сафар қилди. Қариб оператив қўшилмалари штаби шу ерда ташкил этилган.

Пентагон раҳбарининг Флорида ярим ороли жанубий чегарасига намойишкорона сафар қилишидан мақсад Қариб денгизи ҳавзасида кескинликни янада кучайтиришдан иборат. Кейинги вақтларда АҚШ шу ерда ўзининг ҳарбий кучларини зўр бериб кўпайтирмоқда.

Снёсий кузатувчиларнинг таъкидлашича Ки-Ўестедаги штабнинг асосий вазифаси Қариб ҳавзасидаги ва Марказий Америкадаги Америка маъмуриятига «ёқмайдиган» снёсат олиб бораётган мамлакатларнинг ички ишларига қуролли аралашув режаларини тузишдан иборат бўлади. Бу режаларда халқларнинг Америкапараст режимларига қарши ҳаракатни бостиришга алоҳида эътибор берилади. Ки-Ўестедаги штаб шу вазифаларни амалга ошириш учун АҚШнинг ўзидаги, шунингдек чет давлатлардаги АҚШ қуролли кучлари қўшилмаларини жалб этиши мумкин.

Сурхондарё область Шеробод районида «оқ олтин» тераётган пахтакорларга медицина ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Фотомухбиримиз А. Тўраев олган ушбу фотолавҳаларда сиз район маданият уйи қошидаги ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг чиқишларини ҳамда медицина ходимларининг пахтакорларга маслаҳат бераётганларини кўриб турибсиз.

СПОРТ

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

ЕВРОПА КУБОГИ. Қитъа кубоклари учун курашни давом эттираётган коллективлар ўртасида қураъ ташланди. Маълумки, мамлакатимизнинг уч командаси совриндорлик учун баҳслашмоқда. Жумладан, тбилисилик динамочилар Европа чемпионлари кубоги учун дастлабки нимчорак учрашувини сафарда «Гамбург» (ГФР) командаси майдонида ўтказадиган бўлишди. Кубок эгалари кубоги учун баҳс юритаётган москвалик динамочилар нимчорак учрашувида Португалиянинг «Боависта» коллективини қабул қиладилар. Киевлик динамочилар ҳам биринчи учрашувни сафарда ўтказишади. Украина футболчилари УЕФА кубоги учун 1/16 финал учрашувини «Баник» (ЧССР) командаси билан ўтказишади. Учрашувлар 24 октябрда, такрорий ўйин 7 ноябрда бўлади.

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ. Олий лига коллективлари кеча навбатдаги тур ўйинларини бошладилар. Асосий ўйинлар бугун бўлади. Чемпионатнинг 27-тур учрашувларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинган эди: ЦСКА — «Нефтчи» —2:1, «Динамо» (М) — «Локомотив» — 3:2, «Динамо» (Мн) —«Торпедо» — 2:0, «Қайрат» — «Арарат» — 1:0, «Шахтёр» — «Динамо» (Тб) — 3:3, «Заря» — СКА — 1:2, «Черноморец» — «Динамо» (К) — 2:0, «Крылья Советов» — «Пахтакор» — 1:1, «Спартак» — «Зенит — 3:1. 28-тур ўйинлари олдидан командаларнинг мавқеи қуйидагича:

	Ю	Д	М	Т	О
Спартак	16	8	3	49-18	40
Шахтёр	15	8	4	44-22	38
Динамо К	16	5	6	33-18	37
Динамо Тб	14	11	2	41-19	36
Динамо М	13	7	7	29-20	33
Динамо Мн	11	6	9	30-23	28
Зенит	10	7	10	35-36	27
ЦСКА	10	7	10	33-29	27
Пахтакор	10	6	10	30-36	26
Арарат	9	12	6	33-25	26
Черноморец	8	9	10	25-27	24
Қайрат	7	6	14	22-34	20
Торпедо	6	8	13	23-33	20
Локомотив	5	11	11	34-45	18
СКА	5	13	9	29-43	18
Нефтчи	5	8	14	21-37	18
Заря	4	9	14	29-46	16
Кр. Советов	6	3	18	16-45	15

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ТОШКЕНТЛИКЛАР СОВРИНДОР

Республика пойтахтининг марказий стадионида совриндорлик учун ўтказилган аньанавий мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Бу ерда ёшлар ўртасида республика очиқ шахсий-команда чемпионати саккизинчи марта ўтказилди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган меҳмонлар ва республикамиз енгил атлетикачилари «Ўзбекистон физкультурачиси» — «Физкультурник Узбекистана» газетаси соврини учун қизғин курашдилар. Мусобақада Тошкент шаҳар вакиллари бош совринни қўлга киритишди. Тошкент области ҳамда Фарғоналик спортчилар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Иккинчи группага кирувчи коллективлар ўртасида Наманган, Жиззах, Сирдарё командалари фахрли ўринга кўтарилдилар.

ҲАМИША БЎЛСИН ТИНЧЛИК!

Самарқанд шаҳар интернационал дўстлик клубида очилган снёсий плакат кўргазмаси яхши ниятли барча кишиларнинг орзу-умидларини ифода этувчи ана шу сўзлар билан аталмоқда. Шаҳар комсомоллари урушга ва империализмга қарши мавзудаги плакатларни қарийб бир йил мобайнида тўпладилар. Интернационал дўстлик клубининг дунёдаги кўпгина мамлакатлардаги дўстлари уларга бу ишда ёрдам бердилар.

Болгария ва Венгриядан, ГДР ва Кубадан, Франция ва Швециядан Вьетнамга қарши агрессияни, бемаъни қуроллариш пойгасини, янги уруш оловини ёқувчиларни қаҳр-ғазаб билан лаънатловчи плакатлар солинган посилкалар Самарқандга келиб турди. (ЎзТАГ).

Хуш дурур боғи коннот гули,
Баридин яхшироқ ҳаёт гули.

Алишер НАВОИЙ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ОЛАМНИНГ МУНАВВАРЛИГИ

Табиат инсонга ато этган энг улуғ неъматлардан бири ҳаётдир. Оламнинг гўзалликларини кўриб, лаззатланиш, қуёш нуридан, кўкатларнинг исидан, гулларнинг чиройидан баҳра ола билиш ҳам барчага бирдек насиб этмайдиган бахт. Агар инсонда гўзалликни ҳис этиш, уни ардоқлаш туйғуси бўлмаса, ўзи ҳам табиатнинг ушоқ бир зарраси эканлигини англаб етмайди. Демак, бундай одам учун ер юзида турли-туман гиёҳлар, довдарахтлар, жонивору парандалар борлиги ҳам мутлақо аҳамиятсиз.

Табиийки, гўзалликни ҳис этмаган одам маънавий қашшоқ бўлади. СССР халқ артисти Михаил Ульянов ўзининг «Касб-корим» номли китобида ғоят кўнгилсиз бир воқеа ҳақида қуйиниб ёзади: «Мен яқинда жиянимдан кедр дарахтининг мевасини тергани бориб турибсизларми, деб сўрадим. Бир пайтлари худди унинг ёшида мен бу ишдан олам-олам лаззат олардим. «Қизиқмисиз, ҳозир биттаям кедр қолмаганку, — деди у. — Кедрларни шартта-шартта кесиб, мевасини териб кетишарди».

Мен ақл бовар қилмас бу нарсага ишонгим келмади, аммо у гапининг ростлигини айтиб, қасам ичди.

Мен бу ишнинг асл моҳиятини ҳамон тушуниб етолмаяпман. Одамзоднинг шунчалик тубанлашиб, нодон бўлиб кетганига ҳам сира ақлим бовар қилмаяпти. Лекин, бу ҳолнинг ўта кетган нодонлик, ақлсизлик нишонаси эканлигига шак-шубҳа йўқ. Сабаби беақл ёки ярамас одамгина арзимас меванг деб, 200—300 йиллик дарахтни кесиши мумкин. Эҳтимол, бундай ғайринсонлар ҳаётда камдир. Эҳтимол... Лекин, бундай одамлар оранизда бор. Уларнинг борлиги кишини таҳликага солади.

Бу тоифа одамлар қайдан пайдо бўлади? Нега уларни манфур ниятларидан ҳеч нарса қайтаролмайди, нега улар ҳеч кимдан ҳайиқишмайди? Кишиларни ҳамиша эзгулик, инсонийлик, инсофдиёнатга ундовчи жамиятда улар қандай қилиб пайдо бўлиб қолишган?

Гап фақатгина дарахтда эмас, гап уларнинг кўнгли тусаган ишни бемалол қилаётганида! Бугун улар дарахт кесишади, эртага оққушларга ўқ узишади, индинга...»

Михаил Ульяновнинг қуйинганича бор. Оранизда нафс қулига айланган, ҳиссиз, тошбағир одамлар йўқ эмас. Иссиққўлда оққушларни моторли қайиқларда қуриб юриб, отишганини айтиб беришди. Оққуш вафодорликда тимсоли йўқ парранда. Агар жуфтидан айрилса фарёд чекиб узоқ сайрайди. У атиги бир марта, фақатгина ўлими олдидан сайрайди-да, ўзини-ўзи ҳалок этади. Ўйламай отилган ўқ бир эмас, бирданига иккита оқ қушни ҳалок этади. Қиш қаттиқ келган 1968—1969 йиллари Зомин, Ойқор тоғларида каклик, Туркистон улари каби қушлар озуқа тополмай кўплаб қирилган. Бу ҳам етмагандек емиш ахтариб қишлоқларнинг ён-верида пайдо бўлган қуш галаларини одамлар ўйлабнетмай овлашаверган.

Бухорода гўзалликда Хўтан оҳулари билан рақобат қилувчи кийиклар кўп бўлган. Урушдан кейин уларни хонакилаштириб қўлга ўргата бошлашган. Айрим кишилар кийикларни фақат семиртириб сўйиш учунгина боққан, баъзилар завқ, эрмак учун. Аммо ўрмон хўжалиги ходимлари кийикларни асраб қолиш мақсадида оммавий тадбир қўллаймиз, деб жуда катта хатога йўл қўйишган. Улар уйма-уй юриб, кимки кийик асраган бўлса, жарима солишган, жониворларни эса давлат ихтиёрига ўтказа бошлашган. Буни эшитган одамлар шоша-пиша кийикларни сўйиб, гўштини тузга босишган. Табиатнинг бу камёб мўъжизасини асрагани учун одамлар рағбатлантирилганида, айтайлик ҳар бир кийик учун алоҳида мукофот таъсис этилганида Бухоро оҳуси тугаб бораётган ҳайвонлар рўйхатидан жой олмаган бўларди. Табиат муҳофазасини тўғри йўлга қўя билмаслик кўпинча кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун республикамизда худди Эстония, Латвия, Грузия, РСФСРдагидек табиатни муҳофаза этиш халқ университетлари, ташкил этиш лозим. Бундай университетларда бир ёки икки йиллик программа бўйича лекциялар, учрашувлар, экскурсиялар ўтказиш керак. Литвада ҳар йили бундай университетга тўрт минг нафар тингловчи қатнайди. Уни тамомлаган ёшлар қишлоқ хўжалиги ёки педагогика институтларининг биология факультетларига имтиёзли равишда қабул қилинади. Томскдаги табиатни муҳофаза қилиш халқ университетининг ўн беш факультети бор. Бу факультетларда йилига икки минг киши билим олади. Областдаги барча билим юртлари, техникумлар, ўлкани ўрганиш музейи, ботаника боғи, геология бошқармаси қошида ҳам алоҳида факультетлар ташкил этилган.

Табиатни муҳофаза этиш ҳақида аниқ тасаввур бериш учун кўпгина жойларда табиат уйлари ташкил этилган. Табиат уйи, айниқса, ёшларда катта қизиқиш уйғотади. Мана бир мисол: Волгограддаги табиат уйида ўтказиладиган суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, турли хил тўгараклар, олимлар, ёзувчилар билан учрашувлар ёшларнинг табиатга меҳрини оширмоқда. Бу ерда улар фақат ўзи яшаб турган жой, унинг табиати билан эмас аксинча бутун мамлакат, бошқа қитъаларнинг наботот олами, иқлими ҳақида билимга эга бўлади. Бизнинг республикамиздаги йирик шаҳарларда ҳам табиат уйлари ташкил этиш ғоят зарур. Табиат уйининг ишини йўлга қўйишда ўрмон хўжаликлари, республика табиатни муҳофаза қилиш жамияти ташкилотлари ҳамда комсомол комитетлари, кенг жамоатчилик бевосита ёрдам беришлари зарур. Бу ишга мактаб ўқувчиларини тортиш лозим.

Тожикистонда какликларни кўпайтирувчи махсус питомник ташкил этилган. Тоғларимизнинг беқиёс зийнати ҳисобланмиш бу қушни кўпайтиришнинг барча чоралари кўриляпти. Аммо, бизда бу борадаги баъзи ишлар кишини ажаблантиради. Бахмал ўрмон хўжалигининг арчазорларида какликларни овлашга рухсат берилган. Демак, Зомин миллий боғи, қўриқхонасида авайлаб, асраб кўпайтирилаётган какликлар Бахмал томонга ўтиб қолса, овчининг ўқига гирифтор бўлади. Енма-ён жойлашган икки районнинг бир-бирига зид иш олиб бориши ғалати.

Ёввойи каптарлар, қирғовуллар, саъва, майна, жиблажибон, қизилиштон ва булбуллар беиҳоя камайиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Хонини кишининг баҳри дилини очадиган, айни вақтда далаларимизни, боғларимизни турли хил ҳашаротлардан асровчи бу қушларни кўриш учун наҳотки энди фақат ўрмон хўжалиги, қўриқхоналарга бориш шарт бўлса. Шу ўринда яна бир масалани алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Қўриқхона қатагон зона. Шу боисдан ўрмон хўжаликларида мева, анзур пиёзи, доривор гиёҳлар тайёрлаш каби қўшимча ишларни ташкил этишнинг қулай йўлларини излаш зарур. Яқинда Бахмал ўрмон хўжалигида ажойиб табиат уйи ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай уйлар ҳар бир районда барпо этилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Мана шундай йирик, табиати ранг-баранг, ўсимликлар, ҳайвонот олами бой ўрмон хўжаликлари, қўриқхоналарда табиат уйлари бўлиши кони фойда.

Зомин халқ боғида табиат музейи қуриш мўлжалланган. Агар бундай музейлар кўпроқ бўлса одамларнинг табиатнинг сир-синоати, инсон билан табиат муносабати ҳақидаги тасаввури анча бой бўлар эди. Бундай музей ва табиат уйларида барча қизиққан одамлар, айниқса, мактаб ўқувчилари истаган нарсасини сўраб билиши, озми кўпми билим олиши мумкин. Табиат билан инсон муносабатлари чигаллашиб кетган ҳозирги шароитда бундай даргоҳларнинг аҳамияти катта бўлиши, шубҳасиз. Эҳтимол табиат уйлари ажойиб ташаббусларга йўл очиб беради. Масалан, ураллик ёшлар В. И. Чапаев дивизияси босиб ўтган жанговар йўл бўйлаб ажойиб сайлгоҳлар, истироҳат боғи бунёд этишган. Қустанай областининг ёшлари эса М. Тухачевский армияси жанг қилиб ўтган жойлар бўйлаб 180 километрли йўлни дов-дарахтга буркашган. Ҳозир Волга дарёсининг қирғоғини кўкламзорлаштириш ҳаракати ҳам авж олган. Бизнинг республикамизда бундай савоб ишлар жуда кўп қилинди. Аммо булар етарли эмас. Катта дарёлар, канал бўйларига турли хил манзаралар ва мевали дарахтлар ўтказилса, улуғ алломаларнинг, уруш қаҳрамонларининг шарафига хиёбонлар, хушманзара сайргоҳлар, боғлар ташкил этилса нечоғли олижаноб иш бўларди. Бундай ташаббус ёш авлод қалбида халқимиз тарихига қизиқиш, афсонавий баҳодирлар хотирасига беқиёс ҳурмат, эҳтиром уйғотади. Михаил Пришвин айтганидек: «Балиққа сув, қушларга тубсиз осмон, жониворларга ўрмон, тоғ-тош, чўл-биёбон зарур. Инсонга эса Ватан керак. Табиатни муҳофаза этиш — Ватанни муҳофаза этиш демак».

Биз фақат табиатни асрашигина эмас, балки унинг инсон туйғуларига, онгига таъсирини ҳам ўйлашимиз керак. Бусиз инсонда ҳеч вақт гўзаллик туйғусини тарбиялаш мумкин эмас. Гўзаллик туйғусисиз дунё кишининг кўзига ғариб, бенаво бўлиб кўринади. Ажойиб педагог Василий Сухомлинский таълим бериб айтганидек, инсонни энг кичик ёшданоқ эрта тонгда туришга, Қуёш чиқишини, оламнинг уйғонишини кўришга одатлантириш зарур. Умрида бир мартагина тонгги гўзалликни кўрган одам кейинчалик умримни ғафлатда ўтказиб юборибман, деб ўкинмайди.

Гўзаллик туйғусида инсонпарварлик ҳам, ватанпарварлик ҳам, мардлиғу нафосат ҳам мужассам. Шу боис юртимиз гўзаллигини, қалбларининг покизалигини авайлаб-асрашимиз керак. Зотан, бундан мураккаб, айни вақтда бундан шарафли вазифа ҳам йўқ. Оламнинг бокиралиги, дунёнинг мунаввварлиги ҳам гўзалликдадир.

Эмин УСМОНОВ.

АХБОРОТ

ҚУРИЛИШ

ОБОД ҚИШЛОҚ

Бағдод районидаги Кўчкак қишлоғи йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Айниқса, ўнинчи беш йилликда қишлоқ чиройи янада очилиб кетди. Колхозчиларнинг ҳовли-жойлари бош план асосида қайта қурилди. Кўчаларга шағал тўкилиб, асфальт ётқизилди, водопровод орқали сув келтирилди, канализация учун қувурлар кўмилди. Қишлоқ марказида барча қулайликлари бўлган икки корпусли, қўш қаватли мактаб, болалар боғчаси, магазин, кутубхона, медпункт, алоқа бўлими, новвойхона қад кўтарди.

М. АҲМЕДОВ.

КЎРКАМ БИНОЛАР

Поп райони марказида қад кўтарган Советлар уйи, техника магазини, 1-ўрта мактаб биноси, Ғурумсарой спорт комплексининг биринчи навбати аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Районда яна ўнлаб йирик объектлар қурилаётир. Бунга алоқа уйи, 1-ўрта мактаб учун қўшимча ўқув корпуси ва кўплаб уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилиши киради. Яқинда район электр тармоқлари идорасининг янги биноси пойдеворига ғишт қўйилди. Уни район колхозлараро механизациялашган кўчма колонноси қурувчилари барпо этмоқдалар.

Ш. НУРАЛИЕВ.

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР

Фарғона шаҳрининг Ленин кўчасига туташиб кетган Марғилонсой соҳиллари тобора кўркамлашиб бормоқда. Қарийб бир километрлик масофада бутун бир умумий овқатланиш тармоқлари комплекси бунёдга келди. Булар орасида миллий архитектура усулида қурилган миллий таомлар тайёрланадиган ошхоналар, сомсахоналар, кўркам ва шинам чойхоналар бор. Сойнинг чап соҳилидаги бир вақтнинг ўзида 100 кишига хизмат кўрсатадиган мороженое сотиладиган павильон қурилиши ҳам поёнига етди.

О. ҲАКИМОВ.

Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи Олимпиада ўйинлари рамзи туширилган чиройли газламаларнинг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди. Суратда: техник назорат бўлими контролерлари Қиммат Беқудинова ва Феруза Бобоевалар янги хил газламани кўздан кечирмоқдалар.

Б. Хўжаев ва Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ешлар адреслари. 11.00 — Пролетариат диктатураси учун жавоҳирлар. Бадиий фильм. 1-серия. 12.15 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кивопрограмма. 16.10 — Шахмат мактаби. 16.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 17.10 — В. Ирко ижро этади. 17.30 — Театр санъати соҳасида 1979 йилги СССР Давлат мукофотига номзодлар. 18.30 — Горичилар, қаердасиз? 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Фан оламида. 20.05 — СССР Мудофаа министрлиги 1-алоҳида намунали оркестри ижро этади. 20.30 — Ўрток Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китоби асосида кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. 21.30 — Время. 22.00 — ГДРнинг 30 йиллигига.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — Фильм-концерт. 12.10 — Менинг тақдирим. Бадиий фильм. 2-серия. 17.35 — Болалар учун телефильмлар. 18.15 — Бойчечак. 18.45 — Прогресс. 19.15 — Ахборот. 19.30 — О. Хайитова қўйлайди. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китоби асосида кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Хирмонингизга барака. 22.15 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — АСК (Ростов-Дон).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Болалар учун фильм. 18.45 — Шахсий мулоҳаза. Бадиий фильм. 20.00 — Мураббийлар ҳаракатига кенг йўл. 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Реклама. 21.05 — Ҳужжатли фильмлар.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Классик куйлар. 9.30 — Танбур, сато, дутор тароналари. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Гўшт етиштиришни кўпайтириш резервлари. 13.30 — Концерт. 14.00 — Пахта йиғим-теримида мусобақалашаётган областларнинг радиойўқламаси. 18.15 — Ўзбекистон спортивний. 18.50— Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 19.20 — Саломатлик — туман бойлик. 20.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати, «Пахтакор» — АСК (Ростов-Дон) 21.15 Адабий ўқиш. 21.35 — Механизаторлар учун концерт. 22.28 — Пахтазор оқшоми. 23.20 — Дам олиш концерти.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1979—1980 ўқув йили учун

ҚУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ЎРТА МАКТАБНИ ТАМОМЛАГАН, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШЛАР, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИ, ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИ, СОВХОЗЛАР, КОЛХОЗЛАР ИШЛАННАСИ БИЛАН ҲАМДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАГАНЛАР, ИЛҒОР ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Тайёрлов бўлимига кириш учун камида бир йиллик иш стажига эга бўлганларгина юборилади. Кейинги бир йил мобайнида корхоналар (колхоз, совхозларда ишчи (шогирд бўлиб ишлаган вақти ҳисобланмайди) ёки колхозчи бўлиб узлуксиз бир йиллик иш стажига эга бўлиш керак. Ўқишга юборилган колхозчилар бир йиллик иш даврида шу колхозда белгиланган меҳнат минимумини бажарган бўлишлари керак.

Институтда қуйидаги факультетлар бор: РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ЎЗБЕК МАКТАБЛАРИДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ҚОЗОҚ, ҚОРАҚАЛПОҚ ВА БОШҚА МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ.

1979 ЙИЛДА ЎРТА МАКТАБНИ КУНДУЗИ ЎҚИБ ТАМОМЛАГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Кирувчилар қуйидагиларни тақдим этадилар: ректор номига ариза, иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона раҳбари тасдиқлаган), медицина справкаси (286-форма), 8 та фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР — 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар — 1 декабрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР СТИПЕНДИЯ БИЛАН, БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри-110, Литературная кўчаси, 4-уй.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР — ОМОНАТ КАССАЛАРИГА

74-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1979 йил 6 октябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҲАММА ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНГАН ОМОНАТ СЧЕТЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚАДИ:

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори ўрнига омонат суммасига процент билан	Счёт номерлари	Ютуқ миқдори ўрнига омонат суммасига процент билан
А- 6	25	А-556	25
А- 43	25	А-595	100
А- 80	25	А-619	50
А-137	25	А-662	25
А-185	25	А-714	25
А-234	25	А-753	25
А-274	200	А-786	25
А-288	25	А-825	25
А-334	25	А-840	100
А-388	25	А-898	25
А-428	25	А-954	25
А-466	50	А-981	25
А-513	25		

Счётларнинг сони 1000 дан ошган омонат кассаларида биринчи мингда қайси номерлар ютган бўлса, қолган мингларда ҳам шу номерлар ютгандир. Масалан: счёт №№ А-1006, А-2006, А-3006 ва ҳоказо, А-1043, А-2043, А-3043 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Г. ЛЮБИШИН.

Комиссиянинг масъул секретари — Давлат меҳнат омонат кассалари Узбекистон республика Бош бошқармасининг катта экономисти М. А. СИНГАТУЛЛИНА.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/Х да **Испан миниатюралари**, 11/Х да **Травиата**, 13/Х да **Анна Каренина**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/Х да **Уйланиш**, 11/Х да **Келинлар қўзғолони**, 12/Х да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/Х да **Гулбаҳор қанни?**, 11/Х да **Олифта**, 12/Х да **Тўйдан олдин томоша.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/Х да **30 ёшлилар**, 11/Х да **Фақат ақл сотилмайди**, 12/Х да **Ишқ қурбонлари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

15 октябрь соат 10.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ Ҳ. ЗАРИПОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ» АТТРАКЦИОНИ УЧУН КОНКУРСЛИ

АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

16—22 ЕШЛИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчиларда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт: паспорт, ҳарбий билет, турар жойидан справка, маълумоти ҳақидаги ҳужжат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Хадра майдони, Кузнецова проезди, 1-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редакт ор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42, Қашқадарё — 61-55; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02207. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 233.